Азалдан ўзбек ва тожик илм-фани қомусийлик асосида ривож топган. Буюк алломалар Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийлар ижоди қомусийликнинг олий намуналаридир. Бу анъана кейинги асрларда ҳам ўз давомини топди. XX аср ўзбек ва тожик илм - Фани бу анъана ривожига ўз улушини киритган. Садриддин Айний, Зокиржон Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби устозларнинг ижодий фаолияти бунинг ёрқин мисолидир.

Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқ маъорифи аълочиси, машҳур адабиётшунос олим Ҳамиджон Ҳомидий ўзининг серқирра ва баракали ижоди билан XXI асрда ана шу гузал анъанани сақлаш ва ривожлантиришга ўз хиссасини қўшиб келаётган талантлиқ а меҳнатсевар фан арбобларидандир. Унинг ижод доираси ғоят кенг. У ўзбек ва тожик-форс адабиётининг ҳамма даврлари, барча асосий проблемалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган.

Ҳамиджон Ҳомидий узоқ йиллар давомида буюк ижодкор Фирдавсий, унинг шоҳ асари «Шоҳнома» ва ўзбек адабиётига оид илмий тадқиқотида иш олиб борди. Бу ғоят улкан ва илмий жиҳатдан мукамал илмий текшириш иши Ҳамиджон Ҳомидийнинг «Фирдавсий ва ўзбек адабиёти» мавзуидаги докторлик диссертациясида ўзининг баркамол якунини топди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсоният маданиятининг нодир ёдгорлиги «Авесто»нинг таржимаси, тадқиқи ва ташвиқи соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Бу соҳанинг жонбоз иштирокчиси, баракали илмий маҳсуллар бериб Ўзбекистонда «Авесто»шуносликнинг тамал тошини қўйган олимлардан бири Ҳамиджон Ҳомидийдир.

Илмий билимларни оммалаштириш соҳасида Ҳамиджон Ҳомидий амалга оширган ишлар, бу йўналишда унинг яратган рисола, тўплам ва мақолалар алоҳида тадқиқот объекти бўлса арзигуликдир.

Бу олимнинг таъриф ва тавсифи бир китоб бўлиши мумкин. Ҳамиджон Ҳомидийни унинг ҳамкасблари, ҳормай-толмай ишлайдиган ижодкор, оташқалб устоз, мураббий, қадрдон дўст, ҳаммага меҳрибон ва ёрдамга тайёр мутахассис, назокатли одоб эгаси бўлмиш бир инсон сифатида биладилар ва ҳурмат қиладилар.

Бу йил - 2005 йилда профессор Ҳамиджон Ҳомидий ўзининг қутлуқда. Биз унга узоқ умр, сиҳат - саломатлик, Ўзбекистонда илм-

фан ривожини учун олиб бораётган фаолиятида Янги, катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

ФИДОИЙ АДАБИЁТШУНОС ОЛИМ

Ҳар бир касб, ҳар бир соҳанинг ўз фидоийлари бўлади. Маълум бир соҳанинг ривожланиши кўп вақт шундай кишиларга боғлиқ. Филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий шундай олимлардан бўлиб, бугунги ўзбек адабиётшунослигимиз тараққиётини, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишни унинг тадқиқотларисиз тасаввур этиш қийин.

Ҳамиджон Ҳомидийнинг фаолияти Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети билан боғланган. Бу даргоҳда улут адабиётшуносларимиздан Абдурауф Фитрат, Олим Шарофиддинов, Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаев, Ҳамид Сулаймон, Ҳаким Ҳомидий каби олимлар фаолият кўрсатганлар. Ҳамиджон ўз фаолиятида ўша олимларнинг энг яхши анъаналарини давом эттирмоқда.

Бундай фазилат, аввало, шунда кўзга ташланадими, Ҳамиджон адабиётшунослигимизнинг, адабий меросимизнинг энг долзарб масалаларини ўрганиш, шу пайтгача ўрганилмаган ёки кам ўрганилган муаммоларини ёритишга интилади. Масалан, унинг номзодлик диссертацияси Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»сининг бир ўзбекча таржимаси ҳақида» бўлса, унинг докторлик диссертацияси ҳам «Фирдавсий ва ўзбек адабиёти» мавзuida бўлиб, олим бу тадқиқотлари билан Фирдавсийнинг нақадар буюк ижодкор эканлигини, унинг бу шоҳ асарини тадқиқ этиш битта-иккита тадқиқот яратиш билан тугамаслигини кўрсатди. Шу билан бирга Ҳамиджон Фирдавсий асари ўзбек адабиёти тараққиётида ҳам катта урин тутишини исботлади.

Ҳамиджон Ҳомидов бугунги кунда ҳам ўзи ўқиган ва тарбия топган университетнинг етакчи мураббийларидан бири бўлиш билан бирга янги ўнлаб илмий монография ва рисоаларнинг муаллифидир. Унинг «Навоий ва Фирдавсий», «Борбад Марвазий», «Авесто» файзлари», «Тасаввуф алломалари» каби китоб ва рисоалари китобхонларнинг чуқур рағбатини қозонди.

Мен хусусан, олимнинг «Кўҳна Шарқ дарвалари» (1999) китобини маънавиятимиз тарихини ўрганишдаги муҳим ютуқларимиздан бири деб ҳисоблайман. Бекорга 2004 йилда «Шарқ» матбаа нашриёт акциядорлик компанияси томонидан бу асар қайта нашр этилгани йўқ. Бу китоби билан муаллиф халқимиз маънавияти тарихини ўрганишга ўзининг жуда катта ҳиссасини қўшди.

Гап шундаки, олим ўзбек халқининг маънавияти тарихини қадим-қадим замонлардан бошлаб ўрганиш билан бирга унинг тарихи бойлигини, унинг тараққиёт йўли жуда кўп маънавий факторлар билан боғланишини, унинг бениҳоя серқирраллигини, бу йўналиш ҳеч қачон бошқа халқлар маънавиятидан узилиб, ёлғизланиб қолмаганини, доимий ривожланишда бўлганини, бугунги нуқтаи назардан қараганда ҳам бениҳоя юксаклигини бу тадқиқотида ёрқин кўрсатиб бера олган.

Бу асарнинг биринчи қисми 49 бобдан иборат бўлиб, ҳар бобда минг йиллик маънавиятимиз тарихига доир ва ўзимиздан чиққан Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби олимлар, Борбад каби мусиқамизнинг биринчи ижодкорлари, Байҳақий каби тарихчилар тўғрисида ғоят қизиқарли маълумот берилади. Олимнинг ёзиш, фактларни таҳлил қилиш услуби ҳам илмий бўлиш билан бирга қизиқарли, лўнда, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Китобда, шу жумладан, ўзбек ва тожик адабий ҳамда илмий алоқалари нақадар яқин ва дўстона, сермахсул бўлгани ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ҳамиджон Ҳомидов бугунги кунда сермазмун илмий-ижодий фаолиятининг авжида, гайрат ва шижоатга тўла. У ҳали ўз халқини яна кўп янги тадқиқотлари билан бахтиёр қилади.

Ботирхон ВАЛИХЎЖАЕВ,

Қобулжон ТОҲИРОВ,

Гулжаҳон ХОЛИҚУЛОВА

ҚАМРОВИ КЕНГ ОЛИМ

Шарқ мумтоз адабиётининг нозик билимдонларидан бири нозик инсон, меҳрибон мураббий, зийрак тадқиқотчи, таржимон, муҳаррир Ҳомиджон Ҳомидов 70 ёшга қадам қўйди.

Ҳомиджон Ҳомидов 1935 йилда Косонсой шаҳрида этиқдўз оиласида туғилди. Бўлажак олим 1951 йилда ўрта мактабни тугатгач, иш фаолиятини Косонсой туман босмахонасининг ҳарф терувчиси вазифасидан бошлаб, 1954 йил босмахона мудирининг лавозимида ишлади. 1955-1960 йиллар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси, 1963-1965 йиллар ўзбек адабиёти кафедрасининг аспиранти сифатида таҳсил олди. 1962 йилдан бери шу университетда таълим-тарбия бериб келмоқда. У ўзбек адабиёти кафедрасининг аспиранти ва ўқитувчиси, доценти, профессори, сўнгра кафедра мудирининг лавозимларида фаолият кўрсатиб, моҳир муҳаррир, аллома муаллим сифатида обрў эътибор топди. Олим 1967 йилда «Фирдавсий «Шоҳнома»сининг бир ўзбекча таржимаси ҳақида» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Адабий ҳамкорлик ва таъсир масалалари билан жиддий шуғулланган адабиётшунос ўзбек ва форс-тожик адабиётининг ўзаро алоқаси масалаларидан бири - Фирдавсий ижодининг ўзбек адабиётига таъсири, хусусан, «Шоҳнома»нинг Хомуший ва Нормухаммад Бухорий томонидан амалга оширилган ўзбекча таржималари, қўлёзмалари баднияти асосли тадқиқ этди. Ушбу изланишлар натижасида «Навий ва Фирдавсий» (1985), «Боқий бўстон таровати»

(1986), «Шоҳнома»нинг шуҳрати» (1982) номли йирик илмий асарлари, монографиялари нашр этилди. Адабиётшунос ўз тадқиқотларининг давоми сифатида 1991 йилда «Фирдавсий ва ўзбек адабиёти» мавзuidaги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, Фирдавсий ижодининг XVII - XIX аср ўзбек адабиётига таъсирини кенг планда атрофлича тадқиқ этди. Аҳамиятлиси, бу изланишлар Фирдавсийнинг ўзбек адабиётига таъсири ҳақидагина бўлиб қолмасдан, балки улуғ форс-тожик шоирининг ҳаёти ва адабий мероси ҳақида ҳам қимматли маълумотларни беради.

Профессор Ҳ.Ҳомидов бугун ҳам фаол равишда илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Унинг «Авесто» файзлари» (2001), «Авесто»да тиббиёт» (2001), «Авесто»нинг илмий-адабий қиммати» (2003), «Авесто»дан «Шоҳнома»га» (2005) сингари монографиялари, 40 га яқин мақолалари ана шу янги даврнинг маҳсулидир. Уларда маънавиятимиз сарчашмаси «Авесто»нинг ўзига хос ғоявий ва бадиий хусусиятлари таҳлил ва талқин этилган.

Олимнинг мустақиллик йилларида амалга оширган илмий ишлари бу билан чегараланиб қолгани йўқ. Заҳматкаш адабиётшунос мустақилликкача деярли ўрганилмаган Шарқнинг машҳур машойихлари ва алломалари ҳаёти ва ижодига ҳам алоҳида қизиқиш билан эътибор қаратди. Бир неча йиллик тажриба ва билими асосида кўҳна дастхатларни, олимларнинг асарларини синчиклаб ўрганган адабиётшунос уларнинг таъсири ҳақида «Ҳикмат тўла бу саҳифаларни ҳар гал варақлаганимда, ўзим учун янги таассурот, маърифат оламан», - дея таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Ҳ.Ҳомидовнинг «Қирқ беш аллома ҳикояти» (1994), «Машриқзамин - ҳикмат бўстони» (1997), «Кўҳна Шарқ дарғалари» (1999-2004), «Аждодлар сабоғи - ақл қайроғи» (1998), «Тасаввуф алломалари» (2004) каби китоблари қимматли маълумотларга бойдир. Бу асарларнинг аҳамиятли томони шундаки, улардаги маълумотлар, бадиий - илмий лавҳалар илк манбалар асосида берилган. Чунончи,

«Кўҳна Шарқ дарғалари» китобида Зардушт, Низомий Арузий Самарқандий, Убайдий, Шарофиддин Роқимий, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Муҳаммад Сиддиқ Рушдий сингари сиймолар ҳақидаги лавҳалар илк бор китобхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Олимнинг 2004 йил нашр этилган «Тасаввуф алломалари» китобида 66 та сўфий шайхлар, орифлар ва валий инсонларни таржимаи ҳоли, фаолияти ҳақида ихчам маълумотлар, уларнинг фикру мулоҳазалари ва ҳикматларидан намуналар келтирилган. Умуман, олимнинг бу каби изланишларининг натижалари маънавиятимиз тарихини ўрганишда фойдалидир.

Ҳ.Ҳомидов қирқ йиллик илмий фаолияти давомида адабиёт илмининг турли соҳалари ривожига ўзининг 20 дан ортиқ монография, рисола ва ўқув қўлланмалари, 300 дан ортиқ ўзбек, форс-тожик, рус, қозоқ тилларидаги салмоқдор илмий ҳамда илмий - оммабоп мақолалари билан катта ҳисса қўшди. Шунингдек, 20 дан ортиқ докторлик, номзодлик диссертацияларга ҳакамлик қилди.

Ҳ.Ҳомидовнинг моҳир таржимон ва манбашунос сифатида амалга оширган ишлари ҳам алоҳида диққат-эътиборга лойиқ. У Хомушийнинг «Шоҳнома»и туркий», Рушдийнинг «Тазкират ул - авлиёи туркий» асарларининг қўлёзмалари ҳамда «Сиёвуш қиссаси», «Робия Адвия», «Боязид Бистоний», «Ат-Термизий ҳикматлари» манбалари устида синчковлик билан илмий изланишлар олиб борди. Таржимонликда Носир Хусрав, Ф.Муҳаммадиев, С.Айний, С.Оҳундов, Р.Жалилов асарларини форсчадан ўзбек тилига ўгириб, китобхонларга тақдим этди.

Олим фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши муҳаррирлик билан боғлиқ. 20 дан ортиқ асарлар, дарслик қаторида «Навоийга армуғон» (2,3,4-китоблар), «Эпик шеърят султони» номли мақоллар тўплами ҳам Ҳ.Ҳомидов муҳаррирлиги остида нашр этилди.

Ҳ.Ҳомидов илмий-тадқиқот ишлари билан бир қаторда олий ўқув юртиларида ҳам дарс бериб, ўз билим ва тажрибаларини ёшларга

ўргатиб келмоқда. Айни пайтда ёш тадқиқотчиларга ҳам раҳбарлик қилиб, меҳрибон устоз, талабчан мураббий сифатида илмий кадрлар тайёрлашга ҳам муносиб улуш қўшмоқда.

Иқтидорли, камтар ва меҳнатсевар олим Х.Ҳомидовнинг илм-фан, таълим соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У икки марта «Халқ маорифи аълочиси» нишони (1974, 1980), «Дўстлик» ордени (1996) ҳамда бир неча фахрий ёрлиқлар соҳибидир. Филология фанлари доктори, профессор Х.Ҳомидов Айни кунларда 70 ёшни нишонламоқда. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, эзгу ва ҳайрли ишларида улкан зафарлар, янгидан-янги илмий-ижодий парвозлар тилаймиз.

Тўра МИРЗАЕВ

Маматкул ЖЎРАЕВ

АДАБИЙ САРЧАШМАЛАР БИЛИМДОНИ

Ўзбек халқ дostonларининг моҳир ижрочиси сифатида танилган атоқли халқ бахшиси, Эргаш Жуманбулбул ўғли бутун умри давомида халқ фаровонлиги, бадиий адабиёт ва санъат тараққиёти, илм-фан равнақи ҳамда эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилишни ҳаётнинг энг улuf неъматидеб билган фидоий ва заҳматкаш юртдошларимиз ҳақида куйлар экан, шундай деган эди:

Айтмоқ керак назаркарда эрларни,

Вақтинда гуркираб ўтган шерларни.

Дарҳақиқат, бахли бу сўзларни жуда топиб айтган. Зеро, ўзининг эзгу ишлари билан эл назарига тушган заҳматкаш одамларнинг нодир истеъдоди туфайли миллий маданият тараққий этади, илм-фан ривожланади, мамлакатда фаровонлик рўёбга чиқади ва юртда тинчлик-хотиржамлик қарор топади. Бундай беназир ижодий салоҳият соҳиблари умр бўйи башарият шуурини маърифат ёдуси билан нурафшон этиб яшайдилар. Уларнинг тафаккур зиёсидан таралган зарфишон нурлар замон ва макон ўлчамларини

писанд қилмай, асрлар оша инсониятни ёруф манзиллар сари чорлайверади. Жаннатмакон юртимизнинг муборак замида ана шундай буюк алломалар, адибу шоирлар, санъат аҳллари туғилиб, вояга етганлиги учун ҳам Ўзбекистонимиз ҳақли равишда жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири сифатида эътироф этилган.

Ўзбек адабиётшунослиги тараққиётига улкан ҳисса қўшган зукко олим, адабий қадриятларимизни тадқиқ ва тарғиб этишдек эзгу ишга ўз умрини бахшида этган хассос тадқиқотчи, филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий ҳам халқимизнинг ана шундай фидойи фарзандларидан биридир. У машҳур шоир ва олим Мақсуд Шайхзода, мумтоз адабиётимизнинг зукко билимдони профессор Натан Маллаев, таниқли ўзбек тилшуноси Мазлума Асқарова ва зуллисонини Ҳаким Ҳомидий сингари атоқли олимлардан сабоқ олиб «суяги қотган»лиги учун ҳам бадиий матнни теран таҳлил қила олиш иқтидорига эга бўлган нозиктаъб адабиётшунос бўлиб етишди. Бу серғайрат олим ўз ижодий фаолияти давомида Шарқ халқлари бадиий тафаккури тараққиётида муҳим ўрин тутган «Авесто», «Шоҳнома» сингари буюк ёдгорликларни теран тадқиқ этди. Олимнинг «Барҳаёт шеърий қаср», «Боқий бўстон таровати», «Шоҳнома»нинг шуҳрати», «Аждодлар сабоғи ақл қайроғи», «Фирдавсий ва Навоий», «Гуманизм куйчиси» сингари китоблари сарчашмалари жуда олис замонларга бориб тақаладиган қадимий адабиётимизни тадқиқ этишнинг ажойиб намуналари сифатида илм аҳли томонидан эътироф этилган.

Профессор Ҳамиджон Ҳомидийнинг адабиётшунослик илмига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритганда, назаримизда, ўлкамизда яратилган қадимий, бадиий қадриятлардан бири - «Авесто»нинг илмий, адабий ва маърифий аҳамиятини кўрсатиб беришга қаратилган тадқиқотларига алоҳида тўхтаб ўтиш керак. Олим «Авесто»нинг аслият ва турли хорижий тилларга ўгирилган таржималари ҳамда уни илмий тадқиқ қилишга бағишланган

манбалар устида узоқ йиллар мобайнида изланишлар олиб борди. «Авесто»нинг юзага келиш тарихи, манбалари, ундаги мифологик қатламнинг ўзига хос хусусиятлари, зардуштийликнинг моҳияти ва маърифий қиммати, «Авесто» сюжетларининг Шарқ халқлари адабиётидаги талқишларини чуқур ўрганди. Натижада олим қаламига мансуб бўлган «Авесто» ва тибийёт», «Авесто» файзлари», «Авесто»нинг илмий-маърифий аҳамияти» каби китоблар, «Авесто» ва адабиёт», «Авесто» ва фольклор», «Авесто»нинг назмий аҳамияти», «Авесто» - маънавият сарчашмаси», «Авесто» бадиияти», «Авесто»нинг таркибий қисмлари ва моҳияти», «Авесто» ва маънавият», «Зардуштийликда таълим-тарбия» сингари йирик илмий мақолалари чоп эттирилди. Бу тадқиқотлар Марказий Осиё халқлари маданиятининг шаклланиши ва тараққий этишида катта роль ўйнаган мухташам бадий кадриятлардан бири - «Авесто» замирига сингдирилган эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амал ғоясининг моҳиятини теран англаш, унинг фалсафий, адабий, маърифий ва илмий аҳамиятини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳамиджон Ҳомидий нафақат зукко тадқиқотчи, талабчан ва меҳрибон устоз сифатида, балки иқтидорли ва фидоий фан ташкилотчиси сифатида ҳам танилган. У кўп йиллардан буён ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий жамоаси билан яқиндан ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мумтоз адабиётимиз сарчашмалари юзасидан тинимсиз изланишлар олиб бораётган бу хассос олим ўзининг «Авесто» номли тадқиқоти билан институтимизда яратилаётган кўп жиллик «Ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи» номли фундаментал тадқиқотнинг юзага келишига ўз ҳиссасини қўшди. «Авесто»нинг бадий тафаккур ибтидоси сифатидаги моҳиятини тўла очиб берган бу илмий тадқиқот мазкур кўп жилликнинг 1-томига киритилиши мўлжалланган.

Ҳамиджон Ҳомидий шунингдек, Тил ва адабиёт институти хузуридаги фан доктори илмий даражасини олиш учун

диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган Д 015.04.01 рақамли кенгаш аъзоси сифатида мамлакатимизга етук филолог кадрларни тайёрлаб беришдек эзгу ишга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У гоҳ, оппонент, гоҳ муҳокамаalarda фаол иштирок этувчи талабчан, ҳалол ва тўғрисиўз мутахассис сифатида мазкур илмий кенгашида ҳимоя қилинадиган ҳар бир диссертация ишига одилона баҳо беради. Ўзининг ҳар бир чиқишида бугунги ўзбек филологияси, хусусан, адабиётшунослик фанининг долзарб муаммоларини кун тартибига қўяди.

Халқимиз илм-маърифатни мавжланиб оқиб турадиган азим дарёга қиёс қилади. Зеро, умрининг муайян сарҳадларида ўз кўнглига роз айтган Раҳматулла Юсуф ўғли таъбири билан айтганда, «яшасанг шундай бир улуғ дарё мисол яшагинки, сенинг сувингдан ҳар бир гиёҳ, ҳар бир дарахт баҳра олсин». Сермазмун илмий умр соҳиби, маънавий қадриятларимизга бўлган улкан меҳрни кўнглига жо қилган серғайрат, зукко ва заҳматкаш олим Ҳамиджон Ҳомидийнинг илмий-ижодий мероси ҳам боғу бўстонларга ҳаёт бахш этиб келаётган ана шундай жўшқин дарёга ўхшайди.

Неъматулла ИБРОҲИМОВ

Раҳмонхўжа ИНОМХЎЖАЕВ

МАЪНАВИЯТ ИЛДИЗЛАРИНИ ИЗЛАБ

Мустақиллик йилларида бир қатор таниқли олимлар ватанимизнинг тарихини, халқимиз маънавиятига асос бўлган сарчашмаларни, уни жаҳонга танитган алломалар ҳаётини ўрганиш соҳасида муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Улар орасида адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидов ўзига хос мавқени эгаллайди.

Энг аввало, Ҳамиджон Ҳомидов илмий салоҳиятининг кенг қамровлилиги диққатни жалб этади. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»дан тортиб, мумтоз форс-тожик адабиёти

дурдоналаригача, тасаввуф пешволари ҳаётидан тортиб, замондош тарихчи олим Саидмубашширхон Косонийгача домланинг тадқиқотларидан ўрин олган. Ҳ.Ҳомидовнинг Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»си ҳамда «Авесто»га оид изланишлари, айниқса, диққатга сазовордир. «Барҳаёт шеърӣ қаср» (1979), «Боқӣ бӯстон таровати» (1985), «Шоҳнома»нинг шуҳрати» (1992) монографияларида Ҳамиджон Ҳомидов Фирдавсийнинг ўлмас асари, унинг яратилиш тарихи, мазмуни, воявий йўналиши, таржималари хусусида муҳим маълумотлар тақдим этган бўлса, «Авесто» файзлари» (2001), «Авесто» ва тиббиёт» (2002), «Авесто»нинг илмӣ-адабий қиммати» (2003), «Авесто»дан «Шоҳнома»гача (2005) рисолаларида мазкур ёдгорликнинг туб моҳияти, адабий қиммати бўйича янада чуқур илмӣ мушоҳадалар баён этди.

Ҳ.Ҳомидовнинг ижодий фаолиятида маданий меросни тарғиб қилиш, уни мустаҳкам илмӣ асосга суянган ҳолда дилкаш, лўнди, қизиқарли шаклларда ўқувчи онгига сингдириш муҳим ўрин тутади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида қисқа вақт мобайнида икки мартаба нашр этилган «Кўҳна Шарқ дарғалари» китобини кўрсатиш мумкин.

Китобни varaқлаймиз. Бир қараганда, унда келитирилган номлар, маълумотлар танишдек туюлади. Аммо баён этилган лавҳалар синчиклаб ўқилса, муаллиф бу маълумотларни ҳафсала билан юзлаб манбалардан тўлагани, мавзуини ўзига хос тарзда ёритгани, унинг янги қирраларни очиб бергани яққол кўриниб туради.

Ҳар қандай билим инсонларнинг йўлини ёритишга хизмат қилгандагина файзли кучга айланади. Шундай экан, уни мисқоллаб териб, толиби илмларга лўнда шаклда тақдим этиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳамиджон ака айнан ана шундай салоҳиятга эга олимлардан.

Китобнинг Фирдавсийга бағишланган лавҳасини Ҳамиджон ака «Халқ қаҳрамонлиги куйчиси» деб номлаб, гапни «Шоҳнома»нинг ёзилиши тарихи ёки Фирдавсийнинг ибратли саргузаштларидан эмас,

балки асардаги бош образлардан бири, буюк паҳлавон Рустамнинг фожиали ўлимидан бошлабдилар. Мана ўша даҳшатли манзара: Тақдир ўлимга маҳкум этган Рустами Достонни ўтай укаси Шағод макру хийла билан овга тарғиб этади. Рустам Рахш отига миниб, бутазор ва ўт-ўланлар орасидан ов қидириб кетади ва Шағод қаздирган чоҳга қулайди. Оғир яраланган Рустам охирги кучларини тўплаб Шағодни камондан отиб ўлдиради. Буюк паҳлавон ўзининг ўлимга маҳкумлигини билса ҳам, хиёнатни жазосиз қолдирмайди. Ана шу қисқа лавҳадан сўнг муаллиф атиги беш саҳифада Фирдавсий ва унинг ўлмас асари «Шоҳнома» ҳақидаги асосий маълумотларни ўқувчига тақдим этади, достондан олинган ҳикматли байтларни келтиради, улардан бирида шундай дейилади:

Нодонликдан ёмонлик келади фақат,

Нодонга ёндошма, босмасин ғафлат.

Ихчам ва мазмунли лавҳа шундай яқунланади.

Ҳамиджон Ҳомидовнинг илмий, илмий-оммабоп асарларидан кўплаб бундай мисоллар келтириш мумкин. Булар, албатта, олимнинг ижодий камолотини кўрсатувчи далиллардир.

Ҳамиджон Ҳомидов бугунги кунда мамлакатимиздаги етук манбашунос, шарқшунос олимлардан. У кишининг эроншуосликка оид, мумтоз форс-тожик адабиёти дарғалари ҳаёти ва ижоди, тасаввуф тарихи бўйича эълон қилган тадқиқотлари улкан илмий, амалий аҳамиятга эга. Олимнинг шарқшунослик соҳасида бажарилган қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоясида расмий оппонент сифатида қатнашганлари ҳам бежиз эмас. Айниқса, Ш.Шомусуровнинг араб-ўзбек фольклористик плақалари, Б.Назаровнинг Хожа Боҳовиддин Нақшбанд маноқиблари, С.Қурбоновнинг Исмаил Бухорий ижодининг текстологик тадқиқоти, У.Умаровнинг ислом манбашунослиги, Р.Иномхўжаевнинг Афғон шарқшинослиги адабиётига оид докторлик диссертациялари ҳимоясида расмий тақризчи сифатида қатнашиб, мазкур ишларни

чуқур илмий таҳлилдан ўтказиб, холис баҳолаб берганлар. Ҳамиджон аканинг юксак илмий салоҳияти, кенг илмий дунёқарашили яна бир бор яққол намоён бўлди.

Ҳ.Ҳомидов бугунги кунда самарали ижодий фаолият олиб бораётган олим. У киши Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти ихтисослиги бўйича докторлик диссертациялари ҳимоясига мўлжалланган Ихтисослашган кенгаш аъзоси сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқдалар. Биз домлага узоқ умр, халқимиз маънавияти сарчашмалари тадқиқоти соҳасида улкан ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Нажмиддин КОМИЛОВ

ОЛИМУ ИЛМУ АМАЛ

Домла Ҳамиджон Ҳомидов билан биринчи учрашувим 1964 йилда содир бўлган. Биз университет талабалари диплом олди амалиётини ўташ учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига борган эдик. Ёз пайти, ҳаво иссиқ, аммо институтда иш қизғин эди. Диққатимни қўлғизлар бўлими хонасининг бир чеккасида каттакон бир китобни берилиб мутолаа қилаётган хушсурат йигит ўзига тортди. Китобнинг ажойиб қадимий безаклари, арабий ҳуснихати, суратлари ҳавасимни келтирди шекилли, анча тикилиб қолибман. Буни сезган йигит мутолаани тўхтатиб, ўрнидан туриб, мен билан кўришди ва менинг кимлигимни сўраб билиб олгач, ўзини таништирди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг аспиранти Ҳамиджон Ҳомидов. «Ўқийётган китобим «Шоҳнома»и туркий», - деб гапини давом эттирди у, - Абулқосим Фирдавсий асарининг ўзбекча насрий таржимаси, XVIII асрда Хомуший амалга оширган». Ҳамиджон ака ўз мавзуи, адабиёт тарихи, «Шоҳнома»нинг шухрати ҳақида завқ билан жўшиб гапирарди, мен эса берилиб тинглардим.

Тақдир тақозоси билан камина ҳам университетни бигириб, Тил ва адабиёт институти аспирантурасига кирдим ва таржима тарихи йўналишида илмий мавзу устида ишлай бошладим. Ана шу «мавзудошлик» сабабми ёки Ҳамиджон аканинг дилкашлиги, самимийлигими, биз тез-тез учрашадиган бўлиб қолдик. Мен шундан хурсандманки, домла Ҳамиджон билан дўстлигим, мулоқотларим менга кўп нарса берди. Бу инсоннинг қалбида зарра бир гайирлик, ўзини баланд олиш, такаббур йўқ. Ҳаётда ҳам, илмда ҳам самимий, хушсухан ва хокисор. Ҳар гал кўришганда ё бирор янги манбаъ, ё ўзи ёзган мақола, китоб ёки касбдошларимизнинг илмий муваффақиятлари ҳақида қувониб гапиради, ҳамон ўша ёшлиқдаги кўтаринки кайфият, шавқ-завқ тарк этмаган домлани. У кишини кўриб, менинг ҳам қалбим завққа тўлади, ишлагим, ёзгим келаверади.

Ҳамиджон Ҳомидов ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг сермаҳсул, атоқли олимларидан бири. Домланинг ўндан ортиқ китоб ва рисоалари чоп этилган, адабиёт тарихи, маърифат ва маънавий дурдоналари жамланган «Машриқзамин-ҳикмат бўстони», «Кўҳна Шарқ дарғалари», «Тасаввуф алломалари», «Авесто» файзлари», «Боқий бўстон таровати» номли китоблари аллақачон халқимизнинг сеvimли асарларига айланиб қолди. Ишни «Шоҳнома» таржималари тадқиқотидан бошлаган Ҳамиджон Ҳомидов ўзбек адабиёти тарихи, адабий алоқаларга оид талай тадқиқотларни амалга оширди, бир қанча дарслик ва қўлланмалар яратиб, талабаларга маърифат нурини таратмоқда.

Лекин у фақат шунинг ўзи билан чеклангани йўқ. Заҳматкаш олим, профессор Ҳамиджон Ҳомидов кенг маънодаги маърифатчи олимдир. Унинг «Кўҳна Шарқ дарғалари» китобида Зардуштдан бошлаб Саййидмубашширхон Косонийгача бўлган турли давру замонларда яшаган етмиш уч сиймонинг таржимаи ҳоли, асарлари, маънавий-маърифий ишлари ҳақида сўзланади. Улар орасида атоқли

шоирлар билан бирга маърифатпарвар султонлар, амирлар, вазирлар, файласуфлар, тарихчилар, рассом ва бастакорлар бор. Муаллиф ўнлаб манбаларни мутолаа қилиб, маълумотлар йиққан ва маърифат гулшани бўладиган тазкира характеридаги ажойиб китоб яратган. Бундай китобларни яратишда одамнинг умри баъзан кифоя қилмайди. Аммо Ҳамиджон Ҳомидов тинимсиз меҳнати туфайли бунга эришган. Китобда соф янги тадқиқот бўладиган бўлимлар анча. Чунончи, султон Маҳмуд Ғазнавий ҳақидаги бўлимни олиб кўринг. Маҳмуд Ғазнавий ҳақида шўро замонида фақат салбий фикр билдириб келинган. Лекин Ҳамиджон Ҳомидов талай тарихий манбаларни ўрганиб, биринчи марта султон унвонига сазовор бўлган Маҳмуд роият жасур, илм-маърифатга қайишган, эътиқодли подшо бўлганини исботлаган ва унинг саройида ижод этган қатор шоирлар, тарихчилар ҳақида маълумот берган.

Муаллифнинг илмий ҳалоллиги, бошқа тадқиқотчиларга ҳурмати шундаки, у ҳар бир сиймо ҳақида гапирганда, ўзигача бу соҳада тадқиқот иши ёзган ёки таржима билан шуғулланган хорижлик ва ўзимизнинг олимлар меҳнатини албатта қайд этиб, ҳавола қилиб боради. Худди шундай усул «Тасаввуф алломалари» китобида ҳам қўлланилган. Олтмишдан ортиқ сўфий шайхлари ҳақида қимматли маълумот берилиб, ҳикматли сўзларидан намуналар келтирилган. Яъни Аттот, Жомий, Навоийларнинг анъаналари давом эттирилиб, машойихлар тазкираси яратилган.

Ҳамиджон Ҳомидовнинг нигоҳи қамровли, тадқиқот доираси кенг ва айни вақтда чуқур. У исломгача бўлган маънавий ёдгорликларни ҳам, ислом даври маданиятини ҳам бирдай севиб ўрганади ва тарғиб-ташвиқ этади. Унинг ишларида туркий, форсий-арабий мумтоз адабиёт бирга қўшилиб кетган.

Узоқ илмий изланиш ва қалб қўри билан ёзилган бу китоблар маънавий тикланиш сари олиб борилаётган умуммиллий ҳаракатимизга қўшилган муносиб ҳиссадир.

Олим ҳар бир сиймони, ҳар бир буюк асарни аввало инсоният маърифати, халқимиз маънавий камолоти нуқтаи назаридан олиб баҳолайди. Ҳикмат ва донишмандлик хазинаси бўлган Шарқнинг бой адабий меросини ўқувчиларга яхлит ҳолда етказмоқчи бўлади. Ҳамиджон Ҳомидов китобларини ўқир эканмиз, кўз олдимиздан ўрта асрлар шароитида ўлмас обидалар яратган, инсонларни илму дониш, шеър улуғу фаёзидан баҳраманда этиш учун жон фидо этган улуғ ижодкорлар, маърифат саркардалари саф тортиб ўтади.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидов етмиш ёшга қадам қўяр экан, эл-юрт ҳурматини қозониб, устоз олимларимиз қаторидан жой олиб турибди. Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университетида таълиму-таҳсил билан мунтазам шуғулланган ҳолда, устози Натан Маллаев ишини давом эттириб, классик адабиёт кафедрасини бошқариб келаётгани, ўнлаб фан номзодларига раҳбарлик қилгани буларнинг ҳаммаси бурчга, илм-маърифатга садоқатнинг нишонасидир.

Домланинг ўзи ҳам ўша ихлос билан севиб ўрганган маърифат жарчилари сафидан алақачон жой олди, десам муболага бўлмас. Илминг халқинга наф келтирса – бу катта бахт, албатта.

Мен дўстим, устози аллома Ҳамиджон Ҳомидовни муборак ёш билан табриклар эканман, илм майдонида ўша-ўша ёшлиқдаги шавқу завқи сўнамасин дейман ва яна кўлдан кўп ажойиб асарларни элга тухфа этсин дея тилак билдираман.

Иброҳим КАРИМОВ

ИЛМГА ЧАНҚОҚ ҚАЛБ ЭГАСИ

Имон муаммосининг фалсафий таҳлили юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган йилларда Ҳамиджон Ҳомидий деган муаллифнинг «Зардушт - Заратустро» номи илмий мақоласи қўлимга тушиб қолди. Ростини айтсам, собиқ Шўролар даврида бошқа барча динлар ҳақида ўша давр мафкураси руҳида бўлса-да,

Ғайрати бор кишини эр дегил,

Ғайрати йўқ кишини қаро ер дегил, -

дейди донишманд шоирларимиздан бири. Мен Ҳамиджон аканинг фикр-ғайратига, ишлаш ва талқин ғайратига доимо ҳавас қилганман. Унинг билим фикри нечоғлик кенг бўлса, тадқиқот «манзил»лари ҳам шунчалик хилма-хилдир. «Ҳамиджон Ҳомидий ким?» деганда албатта биринчи бўлиб улуғ Фирдавсий ва унинг ўлмас «Шоҳнома»си хаёлга келади. Чунки Ҳамиджон Ҳомидий «Шоҳнома»нинг илмий тадқиқига муносиб ҳисса қўшган ўзбекнинг улкан фирдавсийшуносидир. Унинг «Барҳаёт шеърӣ қаср», «Навоӣ ва Фирдавсий», «Шоҳнома»нинг шуҳрати», «Авесто»дан «Шоҳнома»га каби китобларини ўқиган киши бунга юракдан тан беради ва айни пайтда олимнинг ҳам ўзбек мумтоз адабиёти, ҳам узоқ асрлик форс-тожик адабиётини теппа-тенг билишига иқрор бўлади. Ҳамиджон аканинг китоблари кўпчилик томондан қизиқиб мутолаа этилади ва қўлма-қўл бўлиб кетади. Негаки, у нима ёзса, мавзуни пухта ўрганиб, моҳиятига етиб ва илҳом билан ёзади. Унинг фикр-мулоҳазалари фақат илм чегарасида тўхтаб қолмайди, балки ҳикмат ва маърифатга йўл очади. У кўҳна Шарқ алломаларининг ҳаёти ва илмий-ижодий меросидан ҳикоя қилувчи китоблари билан маънавиятимиз илдири ва асосларини янгидан мушоҳада айлашга ўзига хос бир йўл очди деса, муболаға бўлмайди.

«Авесто» файзлари», «Авесто»нинг илмий-адабий қиммати», «Авесто» ва маънавият» деган асарларини олайлик. Булар ҳам ҳали ҳеч ким қўл урмаган ва ҳамма олим ҳам эплай олмайдиган илмдаги янгилик. Ушбу китобларни четлаб Ўзбекистонда авестошуносликнинг на бугунги тақдири, на истиқболи тўғрисида сўзлаш душвордир. Ҳамиджон ака фақат катта олим эмас, тажрибали толмас тарбиячи - улкан мураббий ҳамдир. Унинг маърузаларини тинглаган талабанинг кўнглида мумтоз адабиётга қандоқ меҳр уйғонишини тасаввур этиш қийин эмас.

Домланинг сўнги китобларидан бири «Тасаввуф алломалари» деб номланади. Рисоланинг илмий, маърифий, амалий аҳамияти беқиёс. У Шарқнинг энг машҳур турли давр ирфоний тафаккурида чуқур из қолдирган кўплаб машойхларнинг ҳаёти, фаолиятини ўрганишда барча илм-адаб аҳлига катта манфаат келтиради.

Ҳақиқий олимнинг ёши қанча илгариласа, унинг мушоҳадалари ўшанча теранлашиб, янги ишларининг аҳамияти кучайиб боради. Ҳамиджон Ҳомидий бу ҳақиқатни ўзининг илмий-иждодий фаолияти билан тасдиқлаб турган тадқиқотчиларимиздандир.

Саидбек ҲАСАНОВ

ИЛМ УСТОДИ ВА БЕНАЗИР ИНСОН

Ҳамиджон Ҳомидов бир умрлик сермазмун ҳаётини адабиётшунослик фанининг ривожига бағишлади. Устознинг педагог - ўқитувчи ва йирик олим сифатида ёшларни тарбиялаш ва уларни илм-фанга етаклаш соҳасидаги хизматлари ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир. Ҳамиджон аканинг илмий тадқиқотларининг аксарияти Шарқ халқлари адабиётининг баҳсталаб ва етарли ўрганилмаган муаммоларига бағишланганлиги билан ажралиб туриши ҳам унинг жиддий олим ва қомусий билимлар эгаси эканлигидан далолат беради. Ҳаммадан ҳам муҳими олим ўта камтарин, кўнгли очиқ ва инсонларга яхшиликни раво кўрувчи меҳрибон инсонлигини унинг энг яхши фазилатларидандир десак, муболаға бўлмайди.

Мен университетни тугатгач, эндигина илм даргоҳида қадам қўйган йиллар, Воҳид Абдуллаев, Ҳамид Сулаймон, Натан Маллаевдек машҳур олимлар орқали ўзбек ва форс-тожик адабиёти ва айниқса, мумтоз адабиётимизнинг чуқур билимдони, адабиётшунослик соҳасида анча ишлар қилиб хизмати синган олим ва мураббий инсон Ҳамиджон Ҳомидов билан яқиндан танишиш бахтига муяссар бўлдим. Ўша кезлардаги учрашувларни эсласам Ҳамиджон аканинг кўп ёшлар қатори илм-фаннинг сўқмоқли

йўлларида тўғри йўлни танлашга ёрдам берган иқтидорли устоз, улкан салоҳият эгаси ва беназир инсон эканлиги кўз олдимида ҳамон намоён бўлади.

Алишер Навоийнинг 525 йиллик тўйи арафалари эди. Ўша вақт мен Ҳамид Сулаймонга шоғирд тушганимда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейини ташкил қилиш ишлари қизгин олиб борилмоқда эди. Ҳамид Сулаймон домла Англия ва Францияга сафар қилиб, ватанимизга мумтоз адабиётимизга оид нодир қўлёзмаларнинг нусхаларини олиб келдилар. Бу бой меросимиз орасида Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Аруз рисоласи» асари қўлёзмаси ҳам бор эди.

Музей илмий кенгашларидан бирида Ҳамид Сулаймон ҳамма илмий иш қилиши шарт деган талабни ўртага қўйдилар ва менга номзодлик иши сифатида мазкур асарни ишлашни мавзу қилиб бердилар. Бобурнинг бу асарини нашрга тайёрлаш жараёнида матинни тўғри ўқиш, аруз назариясига оид қатор муаммоларни ҳал қилиш зарур эди. Шу мақсадда бу соҳанинг чуқур билимдони педагогика институти муаллими Ҳамиджон ака билан учрашишга ва уларнинг илмий маслаҳатларига таяниб иш кўришга тўғри келди. Аллома ҳам ўз билими, инсоний мурувватини аямай, менга қўлларидан келган ёрдамларин бердилар. Шундан буён мен Ҳамиджон акани илм-фан жонкуяри, бағри кенг инсон сифатида юксак даражада қадрлайдиган ва инсонийлик фазилатларидан баҳраманд бўлишга ҳамиша интиладиган бўлдим. Шу тариқа мен Ҳамиджон ака билан салкам 40 йилдан бири ака-укадек бўлиб қолдик. Бир умр мен бу фозил инсондан кўп сабоқлар олдим. Мана шулардан бири:

2000 йилнинг 23-25 май кунлари. Самарқанд шаҳри. Мен Ҳамиджон ака билан Регистон меҳмонхонасининг бир ётоқхонасида. Биз Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган Халқаро илмий анжуманга келган эдик. Шунда Ҳамиджон ака янги изланишлари ҳақида гап очдилар. Мавзу Зардуштийлик дини ва унинг асл моҳияти ҳақида

эди. Ҳамиджон ака «Авесто»нинг илк матнлари ва унинг ўрганилиш тарихини бирма-бир сўзлаб бергач, ўзларининг бу соҳадаги тадқиқотлари натижалари ҳақида сўз очдилар. Олимнинг бу ҳақдаги янгича илмий қарашлари менинг тасаввуримда бир янги дунёни очди, десам муболаға бўлмаса керак. Чунки менинг назаримдаги Зардушт, Зардуштийлик дини ва «Авесто» ҳақидаги маълумотлар бутунлай ўзгача эди. Мен бу диннинг моҳиятини оташшарастилик, ўтга сифинишдан иборат, деб билар эдим. Зардуштни эса, мажусийликнинг асосчиси деб янглаш тасаввур қилиб келган эканман. Ҳамиджон аканинг ўз тадқиқоти натижаларини бирма-бир сўзлаб берганларидан сўнг бу ҳақдаги тасаввурим бутунлай ўзгарди. «Авесто»да баён этилган асосий ғоя бошқа илоҳий китоблардаги сингари айнан тавҳид, яъни якка худоликка даъват этиш ва Тангригагина ибодат қилиш, даҳрийликка қарши курашиш, инсоннинг ахлоқий баркамоллигига қаратилган таълимотдан иборат эканлигини билиб олдим.

Ҳамиджон Ҳомидовнинг бу изланишларининг натижаларини бироз вақт ўтгач, «Шоҳнома»нинг шухрати», «Авесто» файзлари» китоблари ва Ўзбекистон миллий энциклопедиясида чоп этилган «Зардушт» ва «Зардуштийлик» мақолаларида ўз ифодасини топганлигининг гувоҳи бўлдим. Кейинчалик бу фикрнинг ривожини «Адабиёт кўзгуси» (№7, Т.: 2002) илмий тўпламида Раҳматуллоҳ Қори Обидовнинг «Мажусийликнинг асли зардуштийликми?» номли мақоласида ҳам баён этилди. Унда олим «Авесто»ни бошқа илоҳий китоблар қатори муқаддас китоб, Зардушт эса Осиёда яшаган қадимий аждодларимиз Аллоҳ томонидан юборилган пайғамбар бўлиши керак, деган илмий фаразни илгари сурган. Олимнинг фикрига кўра, «Авесто» китобидаги таълимотлар бошқа илоҳий китоблардаги таълимотлар билан деярли ўхшаш эканлиги ҳам Зардуштнинг аждодларимизга Аллоҳ томонидан юборилган

пайғамбар бўлиши мумкин эканлиги эҳтимолини қувватловчи далиллардан бири эканлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Бу лавҳани келтиришимнинг асосий боиси ҳам Ҳамиджон аканинг тадқиқот доирасининг кенг қамровлилиги ва айниқса қадимий қўлёзма манбаларни чуқур таҳлил этиш орқали ҳаққоний илмий-назарий хулосалар чиқара оладиган ёрқин истеъдод эгаси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишдан иборат эди.

Ҳамиджон ака талабалар билан ишлаб, уларнинг истеъдоддиларини фанга етаклаб кириш ва уларнинг фанда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллашларига катта ҳисса қўшган мураббий устозлигини ҳам алоҳида қайд этиш жоиздир. Бу инсон муҳтарам домламиз Латиф Халилов билан биргаликда узоқ йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти талабаларини Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейига тез-тез олиб келар, уларни музей билан таништириш жараёнида ҳаяжонли ва қизиқарли дилкаш суҳбатлар ўтказганликларининг гувоҳи бўлганман. Бу тадбирларда Ҳамиджон аканинг зукко ва табаррук олимлиги, меҳрибон мураббий ва ўзига хос ажойиб инсонлиги кўзга яққол ташланиб турарди. Улар Адабиёт музейида ўтказилган илмий тадбир ёки анжуманларда янги илмий изланишларнинг самарали натижалари билан иштирокчиларни ҳайратга солар эди. Нотиқ минбарга чиққан заҳотиёқ мажлис аҳли кайфияти кўтарилар, тингловчилар лабларида табассум аломатлари пайдо бўлар эди. У кишининг гоҳ форсий, гоҳ туркий тилда ифодалаб берган илмий чиқиш ва мунозара ёки мушоҳадалари илм аҳли томонидан мамнуният билан қабул қилинар ва айниқса ёш тадқиқотчиларда олимнинг сермазмун, назарий хулосалар билан асосланган маърузалари қониқиш ҳиссиётини уйғотар эди. Бунинг ҳаммаси авваламбор олимнинг юксак иқтидори ва қолаверса салоҳият ва салобат тўкиб туришидан бўлса керак, деб ўйлайман.

Ҳамиджон ака ҳозир ҳам педагогик, илмий тадқиқотчилик фаолияти билан бир қаторда республика мағбуоти, радио ва телевиденияси орқали ҳам илмий ва бадиий ижоднинг тарғиб қилишда катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Унинг китоблари нафақат талабалар, балки бадиий ва илмий жамоатчилик томонидан юзта эъзозланиб келинмоқда ва бу муътабар инсон бебаҳо ҳазина сифатида шу кунгача қадрланиб келаётгани ҳам бежиз эмас. Бу фазилатли инсон ҳаётда ўзининг бор билимини ёшлар камолотига бағишлаб келди, ижодда эса ақлу шуури ва бутун вужудини фан ва маданият равнақиға бағишлаб келаётганлиги ҳаммамиз учун ибрат намунасиدير.

Ҳамиджон акаға ҳавас қиладиган жойим ва менинг дилимдан жой олганлигини сиру асрори ҳам ана шунда бўлса керак.

Ботирхон АКРОМОВ

ХОСУ ДИЛХОҶ МУБОРАКБОД СЎЗИМ

Авваламбор, тақдири илоҳий инъоми учун, шунчалар қутлуғ рўзи насиб учун Ҳақ Таолоға беадад шукурлар бўлсин!

Сониян, маълум анъана тусига кирган, шубҳасиз, самимий қутлов сўзларидан фарқли ўлароқ, ушбу сатрлар - ҳақиқат мантиқи заминида, чиндан мусаллам тутилган меъёр-чегарада, аниқроғи, қардош қалам аҳли камоли ишонч билан таъкидлаб ўтадиган «фақат фактлар, аргументлар» тилида, масалан, ўзимизнинг мумтоз «илми баён» услубига яқин «тарҳи тоза ва беандоза» (Навоий) лутфнома (васфнома эмас!) ифодасидир. Сўнгра, бу - улуг мумтоз адабиётимиз муштарак маънода минг йиллик «илми фасоҳат ва балоға (т)» ҳаққи, алаал-хусус, хирадмандлар донишманди, ўзини, ўзлигини бус-бутун намудор (намоён) этолмай ўтган мутафаккир шоиру олим Мақсуд Шайхзода-ю, беназир тадқиқотчи «Натан Муаллим»лар ёдномаси (устод Шайхзода назарида арабча «муаллим» истилоҳи туркий-озарий тилда «устоз» маъносини ҳам англатган бўлса не ажаб?...), бу

зоти киромларнинг муборак қадамжолари, табаррук назарлари-ю, сирли-салобатли нафаслари - бетакрор овозлари, боринги, ҳақиқий шогирдлари, муҳиб-мухлислари ёдидан ўчмас, «қалам билан рост» (Бобур) дилкушо талаффузларигача... гуё муҳрланиб қолгандай туюладиган МАЪРИФАТ маскани хусусида (унга Навоийнинг устоди авали-шайх Низомий номи берилишида ҳам чуқур рамзий маъно бордай...) сўз бораётгандай.

Ва ниҳоят (асосий мақсадга етиб келямиз), улуғ салафларининг руҳи шарифлари-ю азиз-аржуманд номлари олдида то ҳануз чуқур меҳр-ихлос ва садоқат тимсоли саналмиш (қанчалар саодатманд қисмат!...), сувратда вали сифат «ҳақирул-фақир» (Навоий), сийратда бамисли «дарёи илм» ва ўзларини камина билан «маслақдош» деб атаб, ҳамматлаб билган, айна шу боисдан ҳам мен учун, ҳеч муболағасиз, устоз мақомидаги (бунда ёшимиз тафовутини аҳамиятсиз деб ўйлайман) азиру қадрли биродаримиз ҳақларинда сўз боради...

Маълумингизки, рус адабиётшунослиги ва санъатшунослигида «собираетелный образ» деган атама бор. Бу бизда: «муҳасам тимсол», «тажасум топмоқ» тарзида, ҳозир эса «умумлашма ифода» сифатида талқин этилади. Бундай илмий-услубий (стилистик) муносабат шаклини нафақат адабий-бадий жиҳатдан балки, кенг маънода, билим-заковат, маърифат ва маданият оламига, маънавий-руҳий салоҳият, миллий ва умумбашарий қадриятлар жабҳасига ҳам бемалол татбиқ этса бўлади. Шахсан менинг комил эътиқод, солим эътиқодим шуки (буни яқин ҳамфикр касбдошларимиз тасдиқлаши мумкин), биҳамдиллоҳ, ўтган асрнинг 60-йиллари ўртаси - аспирантура таълими даврида бизга насиб этмиш ҳамсабоқлиқ ва кейинги бардавом ҳамкору баҳамжиҳат, орада ҳамдам фаолият, турли даражадаги мулоқот йиллари шаҳодат: бизнинг «Ҳамид муаллим» (устоз Шайхзодадан андоза олишга журъат этдим) - профессор Ҳамиджон Ҳомидий ҳеч кимда шак-шубҳа

туғдирмайдиган илмий-педагогик салоҳияти: ҳайратомиз (фаоллиги, самарадорлиги ва серқирра «зуллисонайн» аллома, ўзига хос хотиранавис адиб (шоён эътибор насрий миниатюралар - воқеабанд ҳикоятлар муаллифи) ва мутаржимлик санъати...

Ҳа, табиатан тиниб-тиничмас, чарчаш-ҳориш нималигини билмас бизнинг «Ҳамид муаллим» нафақат серқирра илмий изланишлар бобида, балки энг муҳими ҳолисонило, айрим маҳдудликлар, «хом ва нотаом» (Навоий) жиҳатлардан ҳолий, асосли, чуқур идрок қилинган журъаткор тафаккур жараёнида ибрат ва ўрнак мисоли бўлиш илмий иқтидори, назарий ва амалий салоҳияти билан ажралиб турадики, биз баҳоли имкон мухтасар аниқ ва лўнда ифода эҳтиёжи тақозоси-ла, сўзимиз аввалида қайд этиб ўтганимиздай, асосан адабий-бадиий маърифат, тадқиқот манбалари иддизлари, жўғрофий-тарихий миқёси, робиталари эътибори-ла қомусий билим МАЪРИФАТИ унвонида бир қадар, майли, умумий тарзда тасаввур қилиш мушкулоти ҳар қалай бизга таскин беради...

Эҳтимол, шундан бўлса керак ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам гоятда талабчан, табиийки, ижтимоий-сиёсий ва илмий ҳаёт, шубҳасиз, баъзан анчайин мураккаб вазиятлар тақозоси-ла бизнинг «Ҳамид муаллим» профессор ва кафедра раҳбари Ҳамиджон Ҳомидов гоҳи-гоҳи анчайин инжиқ-табитан илм заҳматкашига айланса не ажаб? Бундай баҳсли-муаммоли савол туғилиши, балким, «зодаи табъ» (Навоий) - истеъдод ва саъжия маҳсулидир. Умуман фақат «ўз-ўзига ўхшайдиган» (М.Светлов) закий олим ва ажойиб инсон учун табиий, мантиқий ва қонуний бир мезондир... Дарвоқе, менинг фикри ожизимча, ҳамона, «инжиқ характер» сўзини тилга олган эканмиз, унинг туб сабаби маънонинг моҳиятини идрок этиб кўрайлик-чи: менимча, бу зоҳиран нохушроқ эшитиладиган сўз ҳар доим ҳам ноқис, номарғуб маънода талқин этилмаслиги керак, ахир. Ҳа, марғуб - ижобий маънодаги инжиқлик... Бу - қайси масалада бўлмасин (шубҳасиз, беғараз, яхши ниятда содир этиладиган!) нимадандир

кўнгли тўлмаганликдан, руҳан қаноат ҳосил қилмаганликдан, эзгу орзу-хаёл, яхши ният, умид, самарали меваси бўлиши комиллик, балоғат, нафислик мақоми «ярқ» этиб ўзини кўрсатолмаган тақдирдагина, таъб, аҳди маҳбуб кўнгил соҳиби, зариф хирадманд фаҳм-фаросат эгасининг гоҳ ошкор, гоҳ яширин арзи-ниёзи, исёни тарзида воқеъ бўлиши мумкинки... ўша зоҳиран нохуш «инжиқлик» саъжияси!... Айниқса, бекор-беҳуда, абас ва бенафъ ўтган вақтини умуман «умри азиз» (Навоий)нинг ганимат фурсатлари ўрнида кўрмайдиган, тирикликдай улуғ илоҳий неъмат «авоний» (Бобур) деб ҳисобга киритмайдиган бизнинг «Ҳамид муаллим» биродаримиз учун ҳар бир «ажойиб кун», меҳнат соати, изланиш дамларига қайтсак... Хоҳ эски, хоҳ янги илмий манбаа матнлар, мусаввада ё оқда кўчирилган, паришон пароканда ё кунт билан тартиб берилган, муайян тизимга, низомга солинган қўлёзма ё босма адабий ё илмий ҳужжатларга доҳил текшириш-ўрганиш, мушоҳада (кузатиш) ё мулоҳаза, талқину таҳлил ёхуд дастлабки ҳукм-хулосалар... бизни мудом ҳайратга солади, беихтиёр ўйга толдиради.

Майли, таваккал (тасаввуф илмида: «Таваккул» мақоми босқичи...) қилиб, анчайин мураккаб шаклу шамойилда бўлса-да, умумий тасаввур қилишга, йўқ, аниқроғи, фараз қилишга бир уриниб кўрайлик. Мен сўзимни аспирантлик таҳсили йилларининг илк ҳайратбахш таассуротларидан бошламоқчиман. Во ажаб!... Ҳар қанча таҳсинли ҳайрат сўзлари бўлса ҳам кам, ў-ў... пастда, ён атрофда, анча олисда қолиб кетади ўйласам, фикру хаёлларим чувалади, кўнгил хотироти алғов-далғов бўлиб кетади!... Беназир, тириклигида муносиб-шоён қадр топмаган улуғ зотлар. Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймондек забардаст пиру муршидлар шоҳиду бурхон; бундоқ жабирдийда, ситамдийда қисматли, аммо лекин руҳлари асло букилмас, метин иродали, тоғ бардоҳ сиймолар билан ҳамиша ҳамдаму ҳамқадам, мусоҳиб мулоқатдош бўлган, дард армонларини ўзи билан олиб кетган устоз алломалардан «Натан муаллим»нинг

узгача меҳри, ишончини қозонган собиқ аспирант Ҳамиджон Ҳамидовнинг дастлабки илмий изланишларидан (хоҳ институтда, хоҳ уйларида бўлсин) камина бевосита ва билвосита воқиф эдим, азия биродаримга фақат ва фақат ҳавас қилардим... Манна энди айгинча осон ажойиб ҳол, йўқ, бу-илмий қисмат; жаҳон бадиияти чўққиларидан бири, ўрта асрлар шароити-буюк Шарқ уйғонишининг тафаккур дахлларидан Фирдавсийнинг «Шоҳнома» эпопеяси, унинг форсий аслиятига илк туркий табдил таржимасининг қиёсий тадқиқи ва таҳлилига қўл уриш учун биринчи устоз ва шу табарруқ даврадаги пири комил зотларнинг оқ фотиҳаси, мадади, рағбати бўлмаса, илмга чанқоқ ғайрати мавжвар Ҳамиджонда жасорат ўз ўзидан пайдо бўлармиди!?... Хулласи калом, халқимиз: «Дунёда гап купу кўмир оз (асли «умр оз» бўлса керак)» деганидек, бундан салкам ярим аср муқаддам устозлар раҳнамолигида истеъдодли биродаримиз бошлаган илмий тадқиқот миқёси теранлигини ўйлаб «ақл боши айланганда» (Навоий). Зотан, бунинг сарзамини «хуманоид», яъни инсоншунослик илмининг алибоси-арабий матнлар манбашунослиги (Айни шу заминда устоз «Натан муаллим»нинг доимий мусоҳиби - Шер суврат ва валисийрат Ҳамид Сулаймон бир эмас икки илмий даргоҳ асосини қўйиб кетган эдилар...). Хуллас, матншуносликдек сермашаққат фан соҳаси, маърифатчи аждодларимиз таърифича «темир тирноқ» уқуви, сабр саботи-ла ғоят синчков назар билан варақ баварақ, жилдма-жилд текшириб ўрганиб, аниқлаб билиб, топиб, танлаб, саралаб, умумлаштириб, фақат ботиний идрок - «тааммул пуқдадиклиги» ила адади, поени чегараси кўринмас кўп босқичли, кўп қиррали изланишлар, талқинлар, таҳқиқлар силсиласи... Бундай илмий муаммолар ечимини сўз билан айтиб, топиб бўладими? «Ҳамид муаллим», профессор, кафедра раҳбари (бошқа расмий, норасмий лавозимлар, вазифалар, маслаҳатлар, муаллифлик ва ҳаммуаллифлик китоблари, ҳужжатлари, дастур ва режалари... Педагог олим, устоз маслаҳатчи меҳнатининг ҳад ҳисобини,

баҳосини ким аниқлаб беради, Ким муносиб тақдирлай олади? «Гап кўп умр оз» деганлари шу бўлса керак-да... «Талпина талпина» (Навобий) фақат илгарига интилган заҳматкаш инсон ва олимнинг ҳар бир иш куни, соати (аслида нафақат расимий иш куни, режа жадвалда белгиланган иш соати!...) бунинг ҳисоби, тартиб низомини ким аниқлаб бера олади?! Ягона таскин тасалли, ҳадемай етмиш ёшлик умри ожиз манзилини қоралаши кузатилаётган «Ҳамид Ҳамдам», ҳабибу анас биродаримизнинг асли зоти пишиқ пухта қорилган зуваласида, унинг пок тийнати ва хилқатида, беназар фастрати ва даҳлсиз юксак руҳиятида шу қадар солим ва комил суврати ва сийратида бўлса не ажаб?!...

Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ

Бахтиёр ДҮСЧОНОВ

ТЕРАН НИГОҲ СОҲИБИ

Ҳамиджон Ҳомидов ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида ўзига хос ва нуфузли ўринга эга олимлардан бири. У атоқли адабиётшунос, профессор Натан Муродович Маллаев илмий мактабининг вакили бўлиб, Шарқ, жумладан, ўзбек, форс-тожик халқлари мумтоз адабиётларининг зукко билимдони сифатида танилди, ўша халқлар бадиий меросини қиёсий тадқиқ қилиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келиоқда.

Ҳамиджон аканинг тадқиқотчилик фаолиятига аввало ўта синчковлик, теран нигоҳ ва адабий ҳодисаларни баҳолашда холислик каби хусусиятлар хосдир. Бу жиҳатдан унинг жаҳон адабиёти даҳо сиймоларидан бири Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома» асари ҳақидаги изланишлари алоҳида ажралиб туради. Муаллифнинг ютуғи шундаки, у фирдавсийшунослик соҳасидаги тажрибаларга таянган ҳолда уларни янгича қарашлар билан бойитди, муайян жиҳатларини кашф этди. Хусусан, «Шоҳнома»нинг ўтмишда Марказий Осиёда тарқалиши, таржималари, ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз

шоирларига таъсири ҳамда халқ китоблари таркибида қайта ишлов топиши каби масалалар илк марта монографик йўсинда талқин ва тарғиб қилинди.

Ҳамиджон Ҳомидовнинг ўзбек ва тожик тилларини пухта билгани, хусусан, қадимиятга мансуб матнлар билан «тиллаша олиши» ибратли фазилатдир. Бу ўринда аввало унинг «Авесто»га бағишланган тадқиқотлари кўз олдимизга келади. Олимнинг некбинлиги шундаки, бу ноёб адабий-тарихий ёдгорликни форс тилидаги манбалар, Эронда чоп этилган нусхалари асосида тадқиқ этди. У «Авесто»ни мустақиллик йилларида холис ва кенгроқ ўрганишни бошлаб берган олимлардан бири бўлди. Унинг «Авесто» файзлари», «Авесто» ва тиббиёт» (Б.Дўсчонов билан ҳамкорликда) ва қатор илмий ва илмий оммабоп мақолалари авестошунослиқ соҳасидаги янги изланишларга рағбат бағишлади. У кейинги тадқиқотларида «Динкард», «Буздахшин» сингари ёдгорликларга суяниб «Авесто»нинг бизга қадар етиб келган қисми хоразмлик авестохонлар оғзидан ёзиб олинган матнлар асосида Ардашир Бобокан замонида тузилганлигини исботлади. Домланинг «Тасаввуф алломалари» китобида бир неча хоразмлик машойихларнинг фаолияти ёритилганлиги ҳам бизни қувонтирди.

Ҳамиджон аканинг илмий қарашларида Шарқ алломаларига муносабат кўпинча монография, адабий портретлар, таржима ва бошқа шаклларда ифода этилади. Олимнинг «Қирқ беш аллома ҳикояти» рисоласи илмий-бадий лавҳалардан ташкил топиб, бой фактик материаллар асосида мароқли ёзилган. Бу асардаги қатор шоиру олимлар тавсифида айрим маълумотлар илк марта таҳлилга қўрилган бўлиб, мавжуд тасаввурларни янада кенгайтишига хизмат қилган.

Олимнинг М.Ҳасаний билан ҳамкорлиги маҳсули бўлган «Манриқзамин - ҳикмат бўстони» асари унинг ижодидаги таржимонлик ва тўпловчилик салоҳиятини намоён этди. Бу нодир

мажмуага жам бўлган Шарқ донишмандларининг тафаккур хазинасидаги дурдоналар чинакам изланишлар ва кўламдор меҳнат натижаси бўлиб, Шарқ бадий ҳикматномасига ёрқин янги саҳифа бўлиб кўшилди.

Шунингдек, Ҳамиджон аканинг шахсан тапаббуси билан педагогика университетида кейинги йилларда «Навоийга армуғон» тўпламининг ҳар йили чоп этилаётгани ҳам таҳсинга сазовордир.

Ҳамиджон ака камтар, меҳнаткаш, самимий инсон, бағрикенг олим. У кейинги йилларда хоразмлик тадқиқотчи ёшларни илмий раҳбар ёхуд опционент сифатида кўлаб келмоқда, мақолаларини чоп этишига кўмаклашмоқда. Унинг инсонийлик фазилатлари Урганч Давлат университети ва биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиалида давлат аттестацияси комиссиясига раислик қилган вақтларда ҳам намоён бўлди. У ўзининг талабчанлиги, билимдонлиги ва айни чоғда талабалар билимини холис баҳолиб, уларни маърифатга рағбатлантириши билан устоз мураббий эканини ҳам кўрсатди.

Умуман, ажойиб инсон ва олим Ҳамиджон аканинг табарруқ 70 ёши билан муборак этиб, унга хос фидойилик, серғайратлилик, ҳалоллик каби сифатларни кўпчилик илм аҳлида кўришни истар эдик.

Маҳмуджон МАЪМУРОВ

ҲАР БИР УЧРАШУВ - БАЙРАМ

Мен Ҳамиджон Ҳомидов билан домладошман. Биз наманганлик шоғирдлар: Ҳамиджон Ҳомидов, Одилжон Носиров, Мўминжон Сулаймонов ва мен атоқли адабиётшунос олим Натан Муродович Маллаевнинг илмий раҳбарлиги остида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилганмиз.

Ана шу муносабатлар туфайли Ҳамиджон Ҳомидов билан танишганман. У киши қосонсойлик. Ҳамюртмиз. Илгари у киши

кўрмаган эдим. 1970 йили Тошкент Давлат педагогика институтини СССР Халқлари адабиёти кафедрасига аспирантурага ўқишга борганимда танишдик. Тезда иноқлашиб кетдик. Оилавий бордик келди қила бошладик. Унинг инсоний фазилатлари мени ром этди. У кишига ғамхўрлиги ва меҳрибонлиги, одаимжонлиги, кичик кўнгиллилиги билан ажралиб турар. Илм салоҳияти кенг ва чуқур, икки тил соҳиби, жаҳон адабиёти, жумладан, Шарқ ва ўзбек мумтоз адабиёти билағони. Файратчан, тинмай ўқийди ва ёзади, изланади, фанда бирор янгилик қилишга интилади, ўзидан бирор ёрқин из қолдиришга ҳаракат этади. Тез фикр-мулоҳаза қилади, тез сўзлайди. Сўзамол. Бу ижобий хислатларга ҳавас қилдим ва унга эришишга ўзимда масъулият сездим.

Аспирантура остонасига қадам қўйганимда, қаршимда кўп алломалар пайдо бўлди. Аспирантурада қандай ҳаёт кечиришим керак? Қишлоқда қолган оилам ва уч фарзандимдан қандай хабар олишим керак? Домлам қандай? Унинг характери, шоғирдларга муносабати қандай? Институт ҳаёти, кафедра фаолияти қандай, уларга қандай муносабатда бўлишим зарур? Улар менга очилмаган йўл, очилмаган эшик эди. Ана шу тилсим калитини менга Ҳамиджон Ҳомидов берди. У киши билан, деярли ҳар куни учрашардим, маслаҳатлар олардим. Ҳар хил йўриқларга бирга борардик. Менга ҳамроҳ ва бош-қош бўларди. Қимматли вақтини аямасди. Домладошлик аста-секин дўстликка айланди.

Инсоний дўстлик илмий ҳамкорликка олиб келди. Бирга ижод қилдик. Ўзбек ва тожик халқ оғзаки ижодида машҳур бўлган «Зангори гилам» эртагини ўзбек ва тожик шоири томонидан шеъррий эртаси қилганини таҳлил қилдик, ҳар икковининг бир-бирига солиштирадик. Мақоламиз «Бир сюжет сайри» сарлавҳаси остида 1975 йили «Халқлар дўстлиги - адабиётлар дўстлиги» илмий тўпламида чоп этилди. Илмий ҳамкорлик ҳозир ҳам давом этапти. Ҳамиджон Ҳомидов, Зиёвиддин Мансуров ва мен наманганлик адибларни

ўргандик. 142 нафар наманган шоир-ёзувчилар ҳақида материал тўпладик. Уни замонавий тазкира (антология, маълумотнома) тарзида нашр этишга ҳаракат қиляпмиз. Шунга ўхшаш биргаликда ижод қиляпмиз.

Аспирантура даври ўтиб кетди. Мен Тошкентга борганида, домла Наманганга келганларида учрашишни қанда қилмаяпмиз. Дўстлар, илм аҳллари билан Ҳамиджон Ҳомидовни орзиқиб кутамиз. Ҳамкасблар ва талабалар билан соатлаб суҳбатлашамиз. Шаҳар ва қишлоқларни айланамиз, сўлим гўшаларда дам оламиз, тоғ сайрида бўламиз. Ана шу муносабатларда домладан кўп қайратланарли озуқа оламиз. Дунёда, жумладан, Тошкентда илм-фан соҳасида юз бергаётган буюк ўзгаришлар, тожик, эрон ва ўзбек адабиёти алоқалари, янгиликлар ҳақидаги суҳбатларни жон қулоғимиз билан эшитамиз. Авестошунослик фаолияти ва изланишлари, Шарқ адабиёти алломалари ҳақидаги кашфиётлари бизни сеҳрлаб қўяди. Илмий ва ҳикматли суҳбатларига тўймаймиз.

Инсон инсондан тафт олади, дейишади. Образли қилиб айтганда, тафт рамзий маънода - илм, меҳр-муҳаббат, дўстлик-садоқат ришталаридир. Улар асло сўнмасин.

Ҳамюртимиз, зукко олим Ҳамиджон Ҳомидов билан бўлган ҳар бир учрашув биз учун, илм аҳли учун байрамдир.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ

ЗУККОЛИК ПАЛЛАСИ

Мен Ҳамиджон ака билан ўтган асрнинг 70-йилларида танишганман. У пайтларда домла мумтоз адабиётимизнинг атоқли билимдони, «Ўбек адабиёти тарихи» фанидан биринчи дарслик муаллифи Натан Муродович Маллаевнинг муносиб шоғирди сифатида танилган эдилар.

Илмга интилиш истаги бизни бир-биримизга яқинлаштирди. Ўша пайтда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика

институтида фаннинг турли йўналишлари бўйича илмий мақолалар тўплами нашр этиларди. Бу тўпламларда чиққан мақолалар Олий Аттестацияси комиссияси томонидан ҳисобга олинарди. Ҳамиджон ака мени ана шу тўпламларда мақолаларим билан қатнашишга жалб қилдилар. Қисқа муддатда иккита тўпламда мақолаларим босилиб чиқди. Номзодлик диссертациясини ёқлаб олганимдан кейин ҳам Ҳамиджон ака билан илмий ва дўстона алоқаларимиз узилмади. Тўғриси, домла мени тинч қўймадилар, илмий тўпламга масъул муҳаррирлик қилишни таклиф этдилар. Бу менга катта масъулият юклади ва мен бажонудил рози бўлиб, иккита тўпламга муҳаррирлик қилдим. У кишининг кўмаги билан мен нафақат ушбу олий ўқув юртида, балки республикамизнинг турли вилоятларида ишлаётган илм аҳли билан танишиш ва яқинлашиш бахтига муяссар бўлдим.

80-йилларнинг ўрталарида бўлса керак, Ҳамиджон ака тўй қилиб, бизни қишлоғига чақирди. Наманганлик адабиётшунослар Азимжон Раҳимов, Нуриддин Бобоҳўжаев, Одилжон Носировлар билан тўйга бордик. Меҳмонлар учун дастурхон тузалган боққа олиб киришди. Бу ерга Тошкенту Самарқанд, Андижону Сирдарёдан келган ҳамкасблар тўпланишди. Файзли дастурхон зиёфати адабиёт ҳақидаги давра суҳбатига айланиб кетди.

Ҳозир Ҳамиджон Ҳомидий кенг қамровли адабиётшунос сифатида республикамизда яхши танилган. У билиб, масъулиятни ҳис қилиб ёзадиган олимлар сирасидан. Бу фазилатлари домланинг буюк Шарқ алломалари, «Авесто» ёдгорлиги ҳақидаги китоблари, ўнлаб мақолалари, радио телевидениедаги мазмунли суҳбатларида яққол кўринади. Шуниси борки, Ҳамиджон Ҳомидий ўзининг асосий мутахассислиги ҳисобланган мумтоз адабиёт масалалари билангина чекланиб қолмайди. Унинг тафаккури чуқур, билим доираси кенг бўлиб, жаҳон адабиётини ҳам, янги ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараёни ҳам яхши билади ва таҳлил қила олади.

Ҳамиджон ака ҳозир айнан зукколик палласига кирдилар. У кишининг тафаккур боғида етишган сара меваларининг мазасини ҳали кўп йиллар тотишдан умидвормиз.

Ҳожи Исматуллох АБДУЛЛОҲ ҚҮЛЁЗМАЛАРНИНГ ЗУККО ТАДҚИҚОТЧИСИ

Гарчи мен Ҳамиджон Ҳамидовга ҳамюрт бўлсам-да, у билан дастлаб Тошкентда, Ўз ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида танишганман. Қотмадан келган, тез-тез юрувчи, қўлёзмалар ҳақида маслаҳат сўраб турадиган бу йигит, билсам, машҳур адабиётшунос олим Натан Муродович Маллаевнинг аспиранти экан. Ҳамиджон ўша пайтларда, яъни 1960 йилларда кўп меҳнат ва изланиш талаб қиладиган мавзу Фирдавсий «Шоҳнома»сининг ўзбекча насрий таржималари бўйича тадқиқот олиб бораётган эди. Илмга чанқоқ ва тиришқоқ бу йигит билан тез орада ака-ука бўлиб қолдик. Тадқиқотларимиз юзасидан ва адабиётимиз муаммолари ҳақида суҳбатлашиб турар эдик. Мен унинг газета-журналлар ва илмий тўпламлардаги қизиқарли мақолаларини мунтазам ўқиб борардим, турли адабий анжуманлардаги маърузаларини диққат билан эшитардим, умуман илмий тадқиқотига оид чиқишларини кузатиб, завқланрдим. Ёш олимнинг синовчанлиги, илмда ўз сўзини айтишга интилиши, тиниб-тинчимаслиги, энг муҳими икки тилдаги - форсий ва туркий қўлёзмаларни эринмай ўқиб ўрганиши, айрим тушунмаган масалаларни тортинмай сўраб-суриштириши унга бўлган меҳримни оширди. Кўпчилик ёш тадқиқотчилар қўлёзма манбаларни ўрганиш кўп вақт ва меҳнат талаб қилишидан, очиги, эринади ёки қўрқади. Шу сабабли қўлёзмаларни юзаки ўрганади, чала-чулпа ўқиб, нотўғри кўчириб олади. Айрим олимлар эса нашр этилган асарларни ўрганиш билан кифояланиб қоладилар. Ҳамиджон Ҳамидов илмда осон ва қулай йўлни танламади. У қўлёзмаларни асл матн нусхада ўқишдан,

ўрганишдан зерикмади. Ана шу меҳнатсеварлиги туфайли аспирантурани муваффақиятли якунлаб, 1967 йили «Фирдавсий «Шоҳнома»сининг бир ўзбекча таржимаси» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кўплар қатори мен ҳам илм оламига ҳақиқий меҳнаткаш, камтарин олим кириб келганидан қувондим.

Кейинги йилларда Ҳамиджон Ҳамидов бу соҳадаги илмий изланишларини мунтазам давом эттирди. Тадқиқотлари самараси бўлган китоблари навбатма - навбат чоп этилди ва бу нашрлар ўқувчиларини топди. Жумладан, «Барҳаёт шеърий қаср» (1979), «Навоий ва Фирдавсий» (1985), «Боқий бўстон таровати» (1986), «Шоҳноманинг шухрати» (1992) каби рисола ва монографияларини эслаш ўринлидир. Бу китоблари билан зукко олим ўзбекистонда «фирдавсийшунослик» ва «шоҳномашунослик» фанларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ушбу мавзудаги узоқ йиллик тадқиқотининг натижаси ўлароқ 1991 йили «Фирдавсий ва ўзбек адабиёти» мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Орадан бир йил ўтиб профессор унвонига сазовар бўлди.

Олимнинг ушбу ютуқлари қўшни республикалар (Тожикистон, Озарбайжон)да, ҳатто чет эллар (Эрон, Афғонистон)да ҳам юқори баҳоланди.

Истиқлол шарофати билан ўтмишда яратилган моддий ва маънавий меросимизни ўрганишга эътибор кучайди ҳамда бу соҳада кенг имкониятлар эшиги очилди. Бундан руҳланиб Ҳамиджон Ҳамидов маданиятимизнинг қадимги ёдгорлиги бўлган зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»ни ўрганишга биринчилардан бўлиб қўл урди. Мазкур мавзуга доир бир-биридан қизиқарли ўнлаб мақолалар эълон қилди. «Авесто»нинг яратилиш тарихи, сақланиб қолган қисмлари, ғоявий мазмуни, таълимий - тарбиявий аҳамияти ва бошқа мавзуларда газета-журналларга мақолалар ёзиш билан чекланиб қолмай, радио ва телевидение орқали қилган чиқишлари кўпчиликлка маъқул бўлди. Мақолалари китоб бўлиб босила бошлади.

Дастлаб, «Авесто» файзлари», профессор Бахтиёр Дўсчонов билан ҳамкорликда «Авесто» ва тиббиёт» каби рисоалари чоп этилган бўлса, кейинчалик «Авесто» ва маънавият», «Авесто»нинг илмий ва адабий қиммати» номли қўлланмалари ҳам нашр қилинди. Муаллиф бу китобларида биринчилардан бўлиб, зардуштийлик дини оташпарастлик эмаслигини, аксинча, бу таълимот оташпарастликдан кейин пайдо бўлган яккахудоликни тарғиб этувчи, нисбатан тараққийпарвар ғоялар ва қарашлар мажмуи эканлигини ишонарли далил ва таҳлиллар билан исбот қилиб берди.

Бу йил камтарин инсон, заҳматқаш олим, профессор Ҳамиджон Ҳамидов 70 ёшга тўлди. У айна пайтда ғайрат, шижоат билан илмий, ижодий изланишларини давом эттирмоқда ва ўнлаб шоғирдларнинг тадқиқотларига бош-қош бўлмоқда.

Унинг бу қутлуғ ёшени чин юракдан табриклаб, мустаҳкам соғлик, боқий умр ва меҳнат фаолиятида муваффақиятлар тилайман. Набира ва эваралари даврасида пири бадавлат бўлиб юришни Аллоҳ унга насиб этсин.

Адҳамжон АШИРОВ

ТАНИҚЛИ АВЕСТОШУНОС ОЛИМ ВА ЖОНКУЯР

УСТОЗ

Эл ардоқлаган устозлар билан бевосита мулоқотда бўлиш, уларнинг илм-фан сарчашмаларидан баҳра олиш, эзгу инсоний фазилатларидан ўрнак олиш киши қалбига лаззат ва руҳига қувват бағишлайди. Халқимизда илм фидойилари бўлган кишиларнинг қалбини дурдоналарга тўла уммонга қиёс қилишади. Узоқ йиллар давомида олиб борилган сермашаққат меҳнат эвазига олинган бебаҳо бойлик бўлган билим ва тафакурни асраб авайлаб уни халқ хазинасига қўшиб оммага етказиб бера олган ва ундан келгуси авлодларни баҳраманд қила олган хассос ижодкор инсонгина эл юртда доимо эъзозланади, албатта.

Таъқиқли адабиётшунос ва манбашунос олим Ҳамиджон Ҳомидов ана шундай мўътабар, ҳимматли ва бағрикенг инсонлардан биридир. Устоз Республикамизда эмас, балки халқаро миқёсда ҳам таъқиқли олим, ўзбек мумтоз адабиётининг хассос билимдонларидан бири бўлишлари билан бирга манбашунослик, фольклоршунослик ва педагогика каби фанларнинг турли соҳалари бўйича ҳам самарали илмий изланишлар олиб борган ва ўзларининг қарийб эллик йиллик илмий фаолиятлари мобайнида йигирмага яқин монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва рисолалар ҳамда 400 дан ошди илмий-оммабоп мақолалар эълон қилган йирик мутахассис ҳамдир. Сўзимиз аввалида шуни таъкидлаб айтмоқчимизки, устознинг сермаҳсул илмий фаолиятлари ўз даврида ҳамкасблари томонидан бир неча бор эътироф этилган ва мутахассислар томонидан унинг илмий-педагогик фаолиятига муносиб баҳо берилган¹. Қолаверса менининг мутахассислигим адабиёт тарихи доирасида бўлмаганлиги, балки қадимий диний эътиқодлар ва уларнинг халқимиз турмуш тарзидаги изларини тадқиқ қилувчи этнолог мутахассис бўлганлигим боис ҳам ушбу мақолада Ҳамиджон Ҳомидовнинг серқирра илмий ва илмий педагогик фаолиятларида ўзига хос ўринни эгаллаган авестошуносликка оид тадқиқотлари борасидагина фикр юритишни жоиз деб билдим. «Авесто»да битилганидек ўзига эзгулик йўлини асосий тамойил қилиб олган устоз тарихимиз ва ёзма меросимизнинг ноёб дурдонаси ҳисобланмиш ушбу китобни илмий амалий манба тарзда ўрганиш ва уни кенг оммага етказиш борасида улкан ишларни бажарган фидойи тадқиқотчилардан биридир. Инчунун бу борада устознинг узоқ йиллар мобайнида маънавиятимизнинг илк сарчанмаси бўлган «Авесто» таржималари, янги форсий нашрларни,

¹ Ҳомиджон Ҳамидовнинг илмий-педагогик фаолияти тегрисида ҳамкасблари билдирган фикр мулоҳазалар тўғрисида батафсилроқ қаранг: Саримсоқов Б., Жўраев М., Сулаймонов М., Ҳамиджон Ҳомидов «Ўзбек тили ва адабиёти», 1995, № 5-6.; Тухтаев Б. Умр имкон намойиши, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1996 йил 2 февраль; Олим С. Хушчақчақ, билимдон, фидойи, «Матрица», 1996 йил 3 март.; Комилов Н., Зардушдан Косонийгача, «Халқ сўзи», 2000 йил 29-июль; Тухтаев Б. Ҳикмат бустонидан тухфа, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2000, 8 февраль.

сосонийлар даври ёдгорликлари «Будахшин» ва «Динкард»ни ҳамда 4 жилддан иборат «Авесто»луғат»ини бевосита ўқиб ўрганиш ҳамда илмий таҳлил қилиш асосида нашр қилган «Авесто» файзлари (А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2001), «Авесто» ва тиббиёт «(Ибн Сино номидаги нашриёт, 2001.), «Авесто» ва маънавият» (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 2001.) каби тадқиқотларини мисол тарзда келтиришимиз мумкин. Умуман, мазкур асарларда ушбу тарихий манбанинг яратилиш тарихи, унинг ватани ҳамда мазкур манбада зикр этилган турли хил муаммолар доирасида қизиқарли ва эътиборга молик қарашлар баён этилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Айниқса бу борада устознинг «Авесто файзлари» номли асари алоҳида эътиборга сазавордир. Ушбу китобга сўзбоши ёзган таниқли шарқшунос ва исломшунос олим профессор Н.Комилов ҳақи тарзда таъкидлаганларидек, китобда биринчи марта «Авесто» ҳақида кенг маълумотлар берилиши билан бирга ушбу манба борасида эски тушунчалар асосли равишда танқид қилинган². Шунингдек мазкур қизиқарли ва илмий қимматли асарда «Авесто»нинг таркибий қисмлари ва моҳияти тўғрисида ҳамда қадимий ёзма меросда яратувчилик мадҳи, таълим ва устоз талқини, оила ва аёллар тавсифи, халқ байрамларига оид янги илмий маълумотлар баён этилган бўлиб бу ўз навбатида ҳар бир ўқувчини ушбу асарни тарихимиз ва узоқ аждоларимиз ақлий-руҳий тафаккури ҳамда анъанавий турмуш тарзини ўрганишга ундайди. Домланинг зардуштийлик ва «Авесто» мавзуси доирасида бажарган бошқа бир тадқиқотлари «Авесто» ва тиббиёт» мавзусига бағишланган бўлиб бунда кўхна Шарқдаги тиббиёт билимининг тараққиёти ва ўзига хос хусусиятлари асл манбалар асосида ёритилган. Шунингдек «Авесто» жамияти даврида табибларни тайёрлаш, уларнинг бурч ҳамда вазифалари, табобат амалиёти,

² Қараг: Комилов Н. Маънавий меросимиз сарҳашмаси FF «Авесто» файзлари Т.2001. 4-5 бетлар.

касаллар таснифи, уларнинг пайдо бўлиш сабаби ва омиллари, беморларнинг даволаш усуллари, доривор ўсимликлар ва уларнинг таснифи борасида қизиқарли ва ўз навбатида илмий-амалий аҳамиятга молик маълумотлар баён қилинган³. Бундан ташқари машҳур авестошунос олим айнан «Авесто» ва зардуштийлик мавзуси доирасидаги мавзуларда 10 дан ошиқ илмий тадқиқотлар ва эликка яқин илмий ҳамда илмий оммабоп мақолалар эълон қилди. Иккинчидан, устознинг «Авесто» тарихи ва маънавий ҳамда адабий, маданий меросга бағишланган тадқиқотлари натижасида зардуштийлик ва «Авесто»нинг илк ватани айтилиши Ўзбекистон худудларида бўлган деган қатъий хулосага келиши дунё авестошунослари орасида зардуштийлик ватани борасида давом этиб келаётган илмий баҳснинг амалда барҳам топишига маълум даражада хизмат қилди. Дунёнинг кўплаб етакчи олимлари «Авесто»нинг ўрта Осиё замида, хусусан қадимги Хоразм тупроғида шаклланганлигини тан олишди.

Учинчидан, авестошунос олим Х.Ҳомидовнинг узоқ йиллар мобайнида «Авесто»ни ўрганишлар натижасида айрим тарихий хатоликларга ҳам барҳам берилди. Жумладан, Зардушт ва у яратган динни "мажусийлик", "оташпараслик" эмас, балки маздопарастлик ва зардуштийлик эканлиги ва уларнинг бундай деб аталишининг тарихий сабаблари очиқ берилган. Устознинг ёзишларига кўра, "Динкард" ва бошқа паҳлавий тилидаги китобларда Зардушт "Магупта" шаклида зикр этилган. Бу адабиётлар араб тилига таржима қилинганда Зардушт "Мажус" ва "Мажуса" тарзда, у тарғиб қилган дин "Мажусий" деб аталган. Аслида зардуштийлар ҳеч қачон қуёш, оловга сифинишмаган. "Оташ", "Қуёш", "Нур" зардуштийлик динининг симболи бўлган холос. Улар қуёш, ёруғликка қараб ибодат қилишган, сайл ва тўйларида ўртага гулхан ёқиб, атрофида ўйнашган, марҳумлар руҳини шаъм ёқиб хурсанд қилган.

³Қўриқ: Авесто ва тиббиёт. Т., Ибн Сино номидаги нашриёт, 2001.

Зардушт диний жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам битта улуғ ва донишманд илоҳ, Ахурамаздага сифинишни тарғиб қилган¹. Демак, биз бундан задуштийлик динини оташпарастлик, мажусийлик деб номлаш нотўғри эканлигига амин бўламиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мени илм йўлига олиб келган устозимиз Ҳ.Ҳомидовнинг ҳаётда ажойиб бир шиорлари борки буни барча илм аҳли учун ўрнак тарзда кўрсатиш мумкин. Домла доимо «устозлардан ўрганиб илм олдингми, энди уни чарчамай сарфла, токи сенинг шогирдларинг ҳам Шарқнинг бепоён илм-маърифатидан баҳра олиб камол топсин» - деб таъкидлайдилар. Бу ўз навбатида хассос илм фидойисигагина хос фазилат деб айтиш мумкин. Умуман олганда кўплаб илм аҳли қатори мен устознинг бундай сермашаққат ва ўз навбатида сермазмун фаолиятларида омадлар тилайман ва устознинг келгуси илмий-педогогик фаолиятида янги-янги тадқиқотлар кутиб қоламан.

Комилжон Абдуллаев
Найма Раҳмонова

«ШОҲНОМА»НИНГ ШУҲРАТИ ҚАДАР

Ҳамюртимиз адабиётшунос олим Ҳамиджон Ҳомидов ижодига ҳайратдан бир нуқра

*Чин олим ёстуғин тошдан яратди,
Нима уқди-ани оламга айтди.
Хожа Аҳмад Яссавий*

20 дан ортиқ адабиётшуносликка доир китоб, 10 дан ортиқ таржима асарлар, 10 дан ортиқ дарслик ва қўлланмалар. 400 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи, 1 нафар фан доктори, 10 нафардан ортиқ фан номзоди етиштирган, 30 га яқин докторлик ва номзодлик диссертацияларнинг оппоненти бўлган машҳур юрдошимиз, «Жаҳоний эътирофга сазовор» чин олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидов

¹ Ҳомидов Ҳ. Авесто» фанлари.. 86-87 бетлар.

ваҳдатли меҳнатлари эвазига эгаллаган билимларини оламга айтаётган устозлардан саналадилар.

Ҳамиджон Ҳомидов - катта ҳарфлар билан ёзилдиган УСТОЗ. Устозлик шогирдлар халқ, жамоатчилик эҳтиромига мушарраф бўлган чинакам раҳнамо одамнинг унвони. Ҳ. Ҳомидов илми, меҳри, қалби ва одамийлиги билан ана шу унвонга сазовор инсон. Устоз томонидан айтилган ҳар бир фикр, ҳар бир сўз ўз салмоғи, замиридаги пур маъноси, лекин содда ва самимийлиги билан кишини мафтун этади.

Устоз Ҳамиджон Ҳомидов устозу шогирдлик, дўсту биродарлик, одамийлик бобида ҳам юксак маънавий фазилатларга эгадир. У кишининг Косонсой шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилиб, босмаҳонада оддий ҳарф терувчиликдан профессорликкача босиб ўтган 70 йиллик ҳаёт йўли (1935-2005) ва ярим асрлик (1955-2005) илмий-ижодий изланишларига назар солсак, яна бир қатор ибратли, рамзий далилларга-«бешлик»ларга гувоҳ бўламиз. Устоз фаолиятида 5 та қирра намоён: тиниб-тинчимас адабиётшунос олим, моҳир таржимон, фидойи педагог, сеvimли устоз, меҳрибон ота.

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,

Низомий панжасига панжа урмоқ.

Керак шер оллида шер жанги

Агар шер ўлмаса, бори паланги.

Устоз адабиётшунослик майдонига дунё адабиётининг буюк сиймоси Абулқосим Фирдавсийнинг жаҳон эпосининг гулгожиси - 120 минг мисрадан иборат бадиий обида, дунё эпопеясининг машҳур намуналари-Гомернинг «Илиада» ва «Одессия»си, Дантенинг «Илохий комедия»си, финларнинг машҳур «Калевала»сидан ҳам бир печа марта катта «Шоҳнома» асарини тадқиқ қилишдек қийин, мураккаб масалани ўрганиш учун кириб келди ва муносиб уддалади.

Фирдавсий 35 ёшида «Шоҳнома»ни ёзишга киришган бўлса, устоз 33 ёшларида «Фирдавсий «Шоҳнома»сининг бир ўзбекча таржимаси ҳақида» номзодлик диссертациясини ёқлади. Фирдавсий «Шоҳнома»ни ёзиш учун 30-35 йил вақт сарфлаган бўлса, устоз 30-35 йил (1955-1990) «Фирдавсий ва ўзбек адабиёти» мавзусини тадқиқ этди ва филология фанлари доктори, профессор даражасига эришди. 50 йил- ярим асрлик илмий фаолиятларида бу мавзунини четлаб ўтмадилар ва 5 та улкан тадқиқот яратдилар: «Барҳаёт шеърини қаср», «Боқий бўстон таровати», «Фирдавсий ва Навоий», «Фирдавсий ва ўзбек адабиёти», «Шоҳноманинг шухрати».

Биргина «Боқий бўстон таровати» рисоласида баён этилган фикрлар, «Шоҳнома»нинг «Қутадеу билиг» ва бошқа шоирлар ижоди, хусусан, «Хамса» билан боғлиқ таҳлили чуқур мушоҳадага ундаса, «Шоҳнома» таржималари таҳлили кишини ҳайратга солади. Бу рисола дунёга келгунга қадар бўлган машаққатларни, устоз чеккан

заҳмату риёзатларни, тонгларга уланган тунларни-ю кўз нури тўкилган саҳифаларни қайта-қайта қўлга олиб варақланган китобларни кўз олдидан келтирасан киши. Биргина Хомуший таржимасида асарнинг асл нусхасида ташлаб кетилган жумланинг келтирилишидан беихтиёр лол бўласан.

*«Гави пилтан сар сўи роҳ кард,
Кас омад паяш зуду огоҳ кард.
Ки Сухроб шуд 3-ин жаҳони фароҳ,
Ҳаме аз ту тобут хоҳад, на коҳ.»*

Хомуший бу парчани қуйидагича ағдарган. «Бу аснода йўл узра хабар бердиларким, ул йигитлик бўстонининг навниҳоли гулининг чечакни ажал самумининг шамоли учурди». Фақат асл нусхадаги «у сендан тахт эмас, тобут тилайдур» деган жумланинг ташлаб кетилганлигини эътиборга олмасак, асл нусха мазмуни равон ва образли тарзда берилган. («Боқий бўстон таровати» 143-144-бетлар) Муболаға, бетакрор иборалар, сажъ санъатидан фойдаланиш маҳоратини ўқир экансиз, Фирдавсийнинг буюклигига яна бир бор иқрор бўласиз, таржимон санъатига ҳам таҳсинлар ўқийсиз. Бу муқояса ва таҳдилларни ўқиб, олимнинг маҳорати, билимдонлиги, уста таҳдилчилигига қойил қоласиз. Биргина қуёш чиқиши ва ботиши тасвирининг Фирдавсий «Шоҳнома»си ва Хомуший таржимасидаги таҳлили кишини беихтиёр завқ ва ҳайратда лол этади.

Худди шу тахлит Нурмуҳаммад Бухорий таржимасининг бутун ютуқ ва камчиликлари ила асар асли билан солиштириб таҳлил этилиши, «Шоҳнома»нинг адиб ва шоирлар ижодига таъсири масалалари шу қадар кенг ёритилганки, устознинг ғоятда теран фикрли, улкан қалбли, ҳисобсиз билимли тадқиқотчи, зукко кузатувчи эканига иқрор бўласан.

Агар «Шоҳнома» дуру жавоҳирлар денгизи бўлса, тадқиқотчи адабиётшунос олим ажойиб бир ғаввос сифатида бу денгиздан шундай лаълу гавҳарларни териб халққа тақдим этганларига шак - шубҳа йўқдур. Бу лаълу гавҳарлар адабиётшунослигимиз хазинасида ўз ҳусну гўзаллигини кўз-кўз этиб турибди.

Марказий Осиё халқларининг муштарак ёдгорлиги, маънавий мулки, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амални улурлаган асар - «Авесто»ни тадқиқ этишга ҳам биринчилардан бўлиб киришган устоз Ҳомидов «Авесто» файзлари, «Авесто ва тиббиёт», «Авесто»нинг илмий-маърифий қиммати», «Авестонинг янги (ўзбекча) нашри» каби қатор илмий рисола ва мақолалар мажмуасини яратдилар.

Устознинг таржимонлик соҳасидаги ютуқлари - «бешлик»лари ҳам ҳавас қилса арзигулик: «Қайсар чумчуқ», «Кўҳна одамлар», «Етим», «Темур Малик», «Қорача қиз» асарлари унинг таржимасида нашр этилган. Шунингдек, устоз нафақанг ўзбек, балки форс-тожик

адабиётининг ҳам чуқур билимдони, мухлиси ҳисобланадилар. Ҳавас қиларлик томони, устознинг қувваи ҳофизаларида юзлаб форс-тожик ғазаллари ёд бўлиб кетган.

Устоз тасаввуф-инсонни руҳан камолотга етказиш назариясига оид ҳам ўзига хос 5 та асар яратди. Буларнинг ҳар боби ўзи бир тадқиқот. Устознинг яна бир маҳорати шундаки, асарларининг номланишидаги ўзига хослик, рамзийлик ва сиқиклик.

«Тасаввуф алломалари» асарини ўқиғач, дунёга қайта келгандек бўласан. Асарда 66 та аллома ҳақида маълумот бериш билан бирга улар ҳақида энг ноёб фикрлар келтириш баробарида киши маънавий дунёсига руҳ берувчи ғоялар тарғиб этилади. Насихатларсиз ҳам одам устоз айтмоқчи «Гуноҳ ишларга қўл уришдан уяладиган, яхшилик қилиш қўлидан келмаса, ёмонлик ҳам қилмайдиган» бўлиш кераклигини, дунёда инсонни юксакликка кўтарадиган нарса поклик ва ҳалоллик, камтарлик эканини англайсан киши. Буюкликнинг сиру синоатларини излаб китобни қайта-қайта варақлайсан.

Севимли устоз шогирдлар етиштириш борасида кузатаётганимиз анъанавий «бешлик»ни четлаб, уни икки ҳиссага кўпайтирганлар. Аммо таъкидлаш ўринлики, улардан беш нафари наманганликдир. Ана шундай «бешлик»лари билан танилган, «бешлик» - «Ҳамса»си билан ўзбек адабиётига асос солган Навоийнинг толмас тарғиботчиси, аждодларимиз руҳини шод этаётган ва уларнинг энг яхши хислатларини ўзида мужассамлаштириб, ёшларга тарқатаётган устоз табаррук 70 ёшни қоралаяптилар. Аммо бизнинг назаримизда ўша сиймо : қадрлари ихчам, қарашлари маъноли, қадамлари илдам, сўзлари мулойим, бошларида дўппи. Дўппидаги безаклар осмон, юлдузлар, ер, гул рамзлари гўёки аждодларимиз еру осмонни бошларига кўтариб юрадилар. Адабиётшунослигимизни кўкларга кўтараётган, дунёга тапитаётган Ҳамиджон Ҳомидов ҳақидаги сўзимизни устознинг «Тасаввуф алломалари» китобларида келтирилган Азизиддин Насафийнинг куйидаги ҳикматлари билан яқунлашни истардик.

«Оламда донолар кўп, аммо (комил инсон) оламнинг қалбида бўлади, бирдан ортиқ бўлмайди. Бошқаларнинг ҳар бири ҳар хил мартабада бўлади ва у эса оламнинг яғонаси. У оламдан ўтса, бошқа бири унинг даражасига етади ва унинг ўрнига ўтиради. Зеро, олам қалбсиз бўлмайди. Одам борлиқ мевасидир. Вужуд силсиласининг мартабалари унинг хизматида. Одам яратилиши, барча улуглиги ва аълочилиги билан бир инсондек ҳисобланади. Одам ёлғиз ҳолда барча оламларнинг жамловчисидир».

Биз шогирдлар таъбир жоиз бўлса, оламнинг қалби, барча оламларнинг жамловчиси, табаррук 70 ёшни қаршилаётган устозга муштаҳкам соғлиқ, ижодий барака, туганмас куч-қувват, «Авесто» ва «Шоҳнома»нинг шухрати каби боқий умр, энг эзгу тилақлар тилишимиз. Табаррук ёшингиз муборак бўлсин, УСТОЗ!

Фарида КАРИМОВА

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Покиза қалби, эзгу мақсад йўлида камарбаста устоз Ҳамиджон Ҳомидов ҳам инсон сифатида, ҳам олим сифатида ажойиб фазилатларга эга.

Форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсийда шундай мисралар бор:

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,

Шунда билурсанким, илм бепоён.

60-йилларда улкан илм оламига қадам қўйган ёш Ҳамиджон ака қалбига эзгулик ғоялари билан йўғрилган қомусий асар - «Шоҳнома» чўғ ташлади. Ана шу боис Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти қошидаги аспирантурадаги таҳсил олаётган Ҳамиджон Ҳомидов. «Фирдавсий «Шоҳнома»си ҳақида» мавзуида тадқиқот ишларини олиб борди. Шу ўринда тадқиқотчининг «зулисонайн»лиги, яъни ўзбек ва тожик тилларини мукамал билиши қўл келди. У 1967 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Лекин бу билан «Шоҳнома»дек маънавий-маърифий аҳамияти юксак асарни тадқиқ қилиш борасидаги изланишларини тўхтатмади. Чунки ёш олим «Шоҳнома» асарининг ўзбек адабиётига таъсири масаласи ўрганилиши зарур бўлган долзарб муаммолардан бири эканлигини англади ва бу борадаги тадқиқотларни давом эттирди. Матбуотда мавзуга доир ўнлаб мақолалар, «Навоий ва Фирдавсий» китоби чоп этилди. Ниҳоят, Ҳамиджон Ҳомидов 1991 йилда «Фирдавсий ва ўзбек адабиёти» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тадқиқотнинг самараси сифатида «Шоҳнома»нинг шухрати» китоби дунё юзини кўрди.

Фан уфқлари ниҳоятда чексиздир. Жамиятни, инсонни баркамол кўриш истаги домланинг тадқиқот мавзулари доирасини

белгилаб беради, десак муболаға бўлмаса керак. Ҳамиджон Ҳомидовнинг «Қирқ беш аллома ҳикояти», «Машриқзамин - ҳикмат бўстони», «Аждодлар сабоғи - ақл қайроғи», «Кўҳна Шарқ дарғалари» китоблари ана шу мақсадга йўналтирилган.

Кейинги йилларда зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» домланинг эътиборини ўзига тортди. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки бу ёзма ёдгорликни том маънодаги поклик ва эзгулик китоби дейиш мумкин.

Маълумки, «Авесто»да покизалик тушунчаси алоҳида диний-фалсафий категория сифатида маънавий-фалсафий нуқтаи назардан ҳам, экологик нуқтаи назардан ҳам ўзига хос талқин этилган. Ҳаёт, сув, ҳаво ва тупроқнинг поклиги, шунингдек, шу муҳитда яшайдиган инсоннинг ҳам жисман, ҳам маънан поклиги масаласи бутун асар руҳига сингдирилган. Инсоннинг назари, каломи ва бажарадиган амаллари пок бўлиши лозим. Зеро, кўнгли покизалик, эзгу фикрлилик маънавий покликнинг бош белгисидир. Маънавий баркамол инсонлар эса эзгу мақсадлар йўлида собитқадам бўлиб, бутун куч-қуввати ва имкониятлари жамият тараққиёти ва фаровонлиги йўлида сарф этиши шубҳасиздир. Шу боис «Авесто» асарининг ҳозирги кундаги аҳамияти катта бўлиб, ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан мукамал инсонлар бўлиб камол топишига ҳисса қўшади.

Олим тадқиқотларнинг мавзулари ниҳоятда ранг-баранг. Лекин уларни бирлаштириб турувчи қизил чизиқ бор: «эзгулик ва покизалик». Домла ана шу эзгулик ғояларини тарғиб этиш орқали инсонларнинг, хусусан, ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлишини ностради. Таъкидлаш керакки, аввало ўзлари баркамол инсонларнинг қадрига ана шундай истак билан ёнади ва бутун умрини шу юксак мақсад рўёби учун бахшида этади. Ҳамиджон Ҳомидов ана шундай инсонлардан. Бутунги кунда домла эзгу фазилатлар ва илму ҳикмат

туфайли нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам юксак обрў-эътиборга эришган бўлсалар нежаб.

Камтарин ва самимий инсон, эзгу фазилатлар соҳиби Ҳамиджон Ҳомидовни қутлуғ 70 ёши оstonасида қутлар эканмиз, устозга мустаҳкам соғлик, бардавом умр, илмий-ижодий фаолиятда баркамоллик тилаб қоламиз!

Файзуллаҳон НАБИЕВ

ОЛИЖАНОБ ИНСОН, НУКТАДОН ОЛИМ

1. Илк мулоқот, илк сабоқ

1965 йил. Талабаликнинг дастлабки йиллари.. Устодлар даъватлари, талаблари билан дарслар жараёнида берилган турли хил топшириқларни бажариш учун кутубхоналарда мутолаа қилиб, керакли адабиётларни ўқиб-ўзлаштиришга, зарурий иқтибослар олиш ва муҳим адабиётларни коспектлаштиришга киришиб кетганмиз. Вақтлар ўтиб, бу кундалик одатга айланиб қолди. Мутолаачилар сафи ортиб янги-янги китобхон дўстлар, танишлар орттирдик, зиёга, зиёкорларга яқинлашиб бордик...

Шулар орасида бир киши - қироатхонага чинакам танда қўйган, катта қора портфели йигит ҳамиша биз ёшларнинг диққатимизни тортар ва унга нисбатан ҳавасимиз ортар эди.

Биз кутубхонага қанча эрта келмайлик, у одам қироатхона эшиги ёнида навбат кутиб турар, табир жоиз бўлса, ҳар куни у кутубхона эшигини «очар» ва кечки пайт, ҳаммадан кейин, уни «ёпиб» кетар эди... Мабода уни топиш зарурати туғилса, фақат институт кутубхонасидан қидириш ва топиш лозим эди. Чунки у эртадан кечгача шу ерда қироат қилиб ўтирар, ҳар куни ишни портфелни очиб қозғалди, газеталар кўришдан, аввало, газета саҳифаларига кўз югуртиришдан, сўнгра, маъқул кўргани материаллар, хабарларни-янгиликларни ўқишдан бошларди. Бироз ўтгач, яна портфелни очиб қозғалди, папкалардаги машинкадан чиққан ва

чиқмаган материалларни олиб, уларни диққат билан ўқир, ручкада
айрим тузатишлар киритар, қалам билан таҳрир қилар ва, ниҳоят,
портфель яна очилиб ундан энди китоблар, қўлёзма ва факсимелье
нусхалар - аслиятлар олиниб, улардан айрим ўринлари машинка-
ёзувлари, дастхатлар билан солиштирилар ва баъзи саҳифаларга янги
маълумотлар кўчирилиб, баъзан олд ва орқа саҳифалар қўшимча
ёзувлар билан тўлдирилиб, тоширилар эди.

Ҳар куни эртадан-кечгача шу ҳолат такрорланса-да, бу
қотмадан келган, чайир инсон чарчаш нималигини билмас, ҳеч Ким
билан ортиқча суҳбатлашмас, бугун мутолаа жараёнида ҳеч кимни ва
ҳеч нимани сезмас, хаёли-хотири паришон бўлмас, мук тушганича ўз
машғулоти билан банд бўлади... Бугун, орадан шунча йиллар ўтиб,
айни ширин ҳолатларни - болаликнинг ўқиб-ўрганиши, изланиш
билан боғлиқ дамларини ўйлар, айнан ўша манзил - институт
кутубхонаси ва у билан вобаста манзараларни кўз олдимга келтирар
эканман, ўз-ўзидан, бобокалон шоиримиз Алишер Навоийнинг:

Умрни зоеъ этма меҳнат қил,

Меҳнатни саодатнинг калити бил! - дея, насларга
берган ўғит-ибратлари қайта-қайта ёдимга тушади. Зеро, бу - буюк
даъват, саодатга0 мушарраф этувчи ибрат.

Мен, ҳайрат билан ҳикоя қилаётганим қаҳрамоним ёшлигидан
остойдил меҳнат қилиб, улар сарчашмасидан, илм-фан наҳридан
баҳра олган, унинг нури-зиёси билан ҳаётини зийнатлаган устоддир
филология фанлари доктори, профессор, йигирмадан ортиқ
китобларнинг, 500 дан ортиқ мақолаларнинг муаллифи, атоқли
адабиётшунос, фирдавсийшунос, нуктадон таржимон, ажойиб нотик,
моҳир муаллим, меҳрибон устоз Ҳамиджон Ҳомидийдир.

Биз, ёш талабалар бу кишига ҳавас билан боқардик, бироқ
мулоқотга кириша олмасдик, истиҳола қилардик - диққатини бўлиб
чалитмасдик, чалғитолмасдик. Кунлар, ойлар ўтиб, ўз-ўзидан
мулоқот ва самимий муносабатларимиз бошланди, дуч келган жойда

саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашадиган бўлдик. Бу бизлар учун, айнан, мен учун файзли, мароқли эди... билсак, бу йигит аспирант экан, аспирантурада ўқир экан.

Аспирантура, аспирантлик 60-йилларда юксак мақом бўлиб, бунга ҳар ким ҳам эришолмас, эришганлар зиммасида эса жуда катта масъулият бўлган. Тағин қаттиққўл устодга шогирд тушган бўлса, ундан илмининг катта довларидан ошиб ўтишга чексиз сарҳадларини кечиб ўтишга тўғри келган.

Хуллас, қироатхона фаолиятини ва қироат амалини - китобхонлик, унинг самара-натижасини устодлардан, хоссатан, айни шу чайир, толмас инсондан устод Ҳамиджон Ҳомидовдан кўрганман. Бу илк мулоқотлардан, илк сабоқлардан чиқарганим қатъий ва ҳаётий хулосаларим эди...

2. Юзма-юз мулоқот

1965 йилнинг куз кунларидан бири биз I курс талабалари - институтнинг асосий биноси 3-қаватида «Ўзбек адабиёти тарихи» фанидан бўладиган машғулотга йиғилганмиз. Машҳур адабиётшунос, навоийшунос Маллаев Натан Муродовични кутаяпмиз...

Ҳамма сабоқлар ҳам сабоқ, албатта. Шунингдек, ҳамма олимлар ҳам - олим. Аммо устод Натан Муродович менимча туғма, қуйма олим инсон эди. Назаримда, домла онадан олим бўлиб, ҳақиқий инсон бўлиб туғилган эди. Аксинча, бунчалик илмий муваффақиятларга эришиш, инсоний фазилатларга эга бўлиш ва эътироф топиш қийин. Натан Муродович эса йигитлик чоғларидаёқ илм-фанда ва ҳаётда камдан-кам кишиларга насиб этадиган юксак мақомларга мушарраф бўлган катта эътироф ва эҳтиром топган забардаст олим ва етук инсон эдилар. У Зайнининг ҳар бир дарси катта ҳодиса, адаб (адабиёт) ва ахлоқ (хушхулқ) тантанаси, байрами эди, биз учун.

Бу галл аудиторияга Натан Муродович эмас, балки биз билганимиз, ҳавас қилганимиз ўша аспирант йигит кириб келди.

Севиңдик : сабаби юзма-юз учрашдик, бевосита мулоқот бошладик.
Машгулот бошланиб, янги домла

-Қани, ким айтади: Хусрав Дехлавий ким?

-Ҳасан Дехлавийчи?

-Уларнинг бир-бирларидан фарқли жиҳатлари нимада?

-Улар ижоди мисолида анъана ва ўзига хосликлар нималардан иборат? каби қатор саволлар билан талабаларнинг диққатини бир жойга жамлади. Ҳамманинг эътиборини ўзига қаратди.

Албатта, қисқа-қисқа жавоблар бўлди. Ҳар ким билганича нималарнидир деди. Кутилмаганда, домланинг нигоҳи менга - қироатдошимга тикилди. Ўзимни ноқулай сездим. Қалбимни тортиниш, журъатсизлик ҳисси эгаллади...

-Хўш, Сиз нима дейсиз?, саволига жавобан Хусрав Дехлавий ҳаёти: унинг ота-боболари асли шахрисабзлик бўлганликлари, аммо мўғуллар талотуми даврида кўп жабрдийдалар қатори бу хонадон аҳди ҳам тинч ўлкаларга, Ҳиндистонга бош олиб чиқиб кетганлиги, Хусрав ўша замонда дунёга келиб, ўша ерда ҳинд диёрида ўсиб-ўлғайгани, вақтлар ўтиб забардаст ижодкор бўлиб етишгани ва Низомий «Хамса»сига жавобан қадимий Дарий тилида «Хамса» ёзгани ҳақида узук-юлуқ жавоблар айтган бўлдим. Тортинчоқлик, қимтиниш ва ҳаё боис қизариб кетдим, юзларимдан гўё аланга чиқаётгандек, ўз-ўзидан нафасим қисилди...

Домла эса энди менга қарамас, кўзларини бир нуқтага тикканича тасдиқ ишорати - бош қимирлатиб турарди. Ниҳоят, янги домланинг «яхши», «жуда яхши» баҳосини эшитиб, мамнунлик аломатини кўриб, ўзимга кела бошладим. Йиллар ўтиб, бундай ҳолатларни ҳар қандай шогирднинг устод қаршисида ўзини йўқотиб қўйиши, кутилмаганда эсанкираб қолиши сирларини англаб етдим. Устоднинг атайин бир нуқтага тикилиб, тасдиқ аломатларини қилиб туришлари, бу билан талабани «атайин аҳвол»дан чиқишига йўл бергани - муаллимликнинг, мураббийликнинг эзгу амалларидан бири

экан... Ва яна: жавобларга беоғриқ тузатиш ва тўлдиришлар киритиш, лутф кўрсатиш «танг вазият»ни юмшатишга ва шогирд фаоллигини оширишга яхши бир далда экан. Бундай ширин ҳолнинг, олижанобликнинг, меҳрибонликнинг илк сабоғини ҳам ўша аспирант йигитдан, янги домладан олганман...

Энди билсак, кўпдан биз ҳавас қиладиган, институт қироатхонасига танда қўйган аспирант йигит - Ҳамиджон Ҳомидий машҳур адабиётшунос, забардаст навоййшунос, нуктадон таржимон, қалами ўткир, фикри тиниқ мунаққид, ажойиб нотик, шогирдларига ўта меҳрибон, шу билан бирга, ниҳоятда талабчан, гўзал фазллар соҳиби Натан Муродович Маллаевнинг шогирди, суюкли шогирди экан. Бу биз учун чинакам янгилик бўлиб, омадди, заҳматкаш шогирдга ҳавасимиз, ихлосимиз янада ортди. Ўқиш, изланиш, самара-натижаси шундоқ кўз олдимизда намоён эди. Гуё зафар, омад «мана мен» дерди...

Мен ўша пайтлардаёқ қироатхонанинг, қироатхоналарнинг ганжиналар, тафаккур ганжиналари маҳзани, ундаги китоблар эса мислсиз машаққатлар маҳсули, чинакам «игна билан қудуқ қазиш»лар самарси эканлигини, ижод аҳлининг тунларни тонларга, тонларни тунларга улаб куч-қувватини, онги-тафаккурини тўкиб-сарфлаб меҳнат қилганлигини, заҳмат чекканлигини, унинг натижаси ўлароқ илм-фанга, бадий тафаккур оламига муносиб улушлар қўшганликларини чуқур ҳис этганман, имон келтирганман.

Комили ишонч билан айтаманки, шуларнинг бири - бугун нафақат мамлакатимизда, балки хорижий ўлкаларда ҳам, хусусан, Тожикистон, Эрон Исломи мамлакатада ҳам алоҳида эътироф ва эъзоз топган устод: атоқли адабиётшунос ва фирдавсийшунос, нуктадон таржимон ва олижаноб нотик, моҳир муаллим ва меҳрибон устод Ҳамиджон Ҳомидийдир...

Ва яна, интиҳода Устоддан мамнулик ва ифтихор билан таскидлайманки, Ҳамиджон Ҳомидов йўли - заҳмат йўли, зафар

йўли, демакки, саодат йўли. Чунки бу йўл - таълим-тарбиянинг йўли, икки дунё саодати йўли.

МАЪНАВИЯТ МАЖМУАСИ

Собиқ шўролар даври таълим-тарбияни миллий тарихий заминдан маҳрум этиб, инсон шахси, унинг маънавий оламини ҳам қашшоқлаштириб қўйган эди. Мустақиллик туфайли ижтимоий онгимизга, ҳаётимизга кўплаб янгиликлар, тушунчалар ва тамойиллар, хилма-хил жараёнлар кириб келди. Шулар орасида, шубҳасиз, маънавиятнинг ҳаётимиздаги ўрнини теран англаш ва бу борада қилинаётган саъи-ҳаракатлар, эзгу ишлар салмоқлидир. Истиқдол шарофати билан, биз, буюк аждодларимизнинг беқиёс маънавий меросини, минг йиллик тарихимиз ва бой маданиятга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Шу маънода, айтиш лозимки, шарқшунослар Ҳамиджон Ҳомидий ва Маҳмуд Ҳасанийлар томонидан нашрга тайёрланган «Машриқзамин - ҳикмат бўстони» мажмуаси бунга дарёдан томчи сифатида яққол мисол бўла олади¹. Бинобарин, «Ҳикмат бўстони»ни қўлга олган ўқувчи қалбида қувонч пайдо бўлади. Бу буюк маънавиятимизнинг ноёб дурдоналари - чин маънодаги мажмуаси, минг йиллик ҳикмат бўстонининг гуллари - ганжинаси. Унинг қадри - ҳимматини, саодат манбаиликлигини маънавий баркамол инсон, албатта, тез англаб етади. Чунки бу китоб Ўзбекитоннинг буюк келажагини таъминловчи ёш авлод учун доно муаллим, мураббий вазифасини ўтайди, ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол бўлишини таъминлайди. «Ҳикмат бўстони» инсон ҳаётини қандай ўтказиш керак, ўзини қандай тутиши, шарқона шарму-ҳаё, андишаю ибо қабилардан баҳс очади, сабоқ беради. Бунда улуғ донишмандлар Арасту, Инб Синолардан тортиб, то Беруний, Румий, Амир Темур, Навоий, Бобур, Зеҳний,

¹ Ҳ.Ҳомидий, М.Ҳасаний «Машриқзамин - ҳикмат бўстони». «Шарқ» нашриёт-матбаа кўшмаҳаббининг бош таҳририяти. Т.: 1997.

Абулбаракот Қодирий, Хавофий, Рушдий сингари маънавиятимизнинг улуғ сиймолари иштирок этадилар, ибратли фикрлари билан қатнашадилар. Китобни ўқиганимиз сари, биз, XXI аср бўсағасидаги китобхонлар ўтмиш бобокалон донишмандлар билан мулоқот қилгандек бўламиз. Энг аҳамиятлиси шундаки, неча-неча асрлар муқаддам айтилган ибратли фикрлар ҳали ҳам ўз таъсир кучини йўқотмаган, аксинча янада сайқаллашган ва ўқувчининг қалбини ҳаяжонга солади, эзгулик нурларига тўлдиради. Бу миллатнинг меросидан озиқ олган, уларнинг юксак маънавий-ахлоқий қарашлари кенг қамровли тафаккур олами ва теран ақл-идроки билан ўзаро уйғунлашган мажмуадир. Бинобарин, мажмуадаги маънавиятимиз дурдоналари асрлардан буён башари банини комилликка бошлаб, улар қалбини эзгуликка тўлдириб келади. Шу ўринда маънавиятимиз сиймоларидан Зардушт ўғитларига эътибор берайлик. Спитама келажак авлоднинг фикри, эзгу сўзи ва эзгу амали бўлишини орзу қилиб шундай кишиларнигина ҳақиқий инсонлар қаторига қўшиш мумкин деганини эслаш кифоя. Чинакам инсон бўлиш учун барча инсоний фазилатлар унда шаклланиши лозим. Улуғ аждодларимизнинг ўғитлари, насиҳатлари, орзу-умидлари баркамол авлоднинг маънавий оламида шаклланиши, камол топишида ўз ифодасини топади ва маънавиятни миллий заминда барқарорлаштиришга ёрдам беради.

Мажмуани варақлар эканмиз, дастлаб одоб, таълим-тарбия ҳақидаги дурдоналарга дуч келамиз. Зеро, одоб, ахлоқ, гўзал фазилатлар инсоннинг кўрки, безаги, таълим эса унинг камолидир. Бархурдор Ибн Маҳмуд таъкидлаганидек, одоб тож, одамийлик безаги, қимматбаҳо гавҳардир. Одоб ва илм-эғизак. Илм бир дарахт бўлса, одоб унинг мевасидир. Одобсиз олим - мевасиз дарахтдир. Шарқу, Фарбада улуғ мутафаккир, ҳур фикрларнинг даҳоси сифатида эътироф топган Умар Хайём, инсонни дунёнинг самари, тилаги, ақл кўзининг гавҳаридир, дея шарафлайди. Демак, инсон, унинг

самолоти, эркинлиги, узлуксиз таълим-тарбия тизимининг марказида турмоғи лозим. Чунки тўғри тарбия боланинг бахтли ҳаёт кечиришининг ягона кафолатидир. Ёшлигидан тўғри тарбия олган боланинг маънавияти юксак бўлади. Бинобарин, мамлакатимизда амалга ошаётган таълим-тарбия ислоҳотлари ҳам айна мақсадга йўналтирилгандир. ЮНЕСКО томонидан таълим тизимининг энгилроф этилиши боиси ҳам унинг бевосита эзгу мақсадларга қаратилганидир. Японияда «Ёшлиқда илм билан бошни тўддир, кексайганда пул билан чўнтакни тўддир» шиори мавжуд. Бизда эса «Бениқдан қабргача илм изла» ёки илм инсонга саҳрода сув, ёлғизликда дўст, душманга қарши курашда кучли қурол. Аллалхусус, илм саодат манбаидир. Қайси ерда илму маърифат кучли бўлса, ўша ерда бахт маскаби. Илм тўғрисидаги фаслни ўқиган китобхонда мажмуа янада чуқур таассурот қолдиради. Фасл ўқувчиларда илмга ҳавасни, иштиёқни орттиришига бўлган ишончни ҳам кучайтиради. Дарҳақиқат, Камий айтганидек,

Ҳар кишида илму санъат бордур,

Бахтли давлат ул кишига ёрдур.

Инсон олий хилқат. Олам-борликда ундан азиз, унда мукаррам зот йўқ. Айна чоқда илм инсон учун олий қадрият. Шундай экан, ушбу фазилатларни ёшларга болаликдан сингдириб бориш, уларнинг тарбиясига, таълимига жиддий эътибор бериш керак. Таълим-тарбияда узлуксиз меҳнат, сабр-тоқат зарур. Шу билан бирга, бу соҳада хизмат қилаётган кишиларнинг ҳалол, меҳнатқаш, саботли, бир сўз билан айтганда, «дили поку, сўзи поку, ўзи пок» (Алишер Навоий) бўлмоғи керак. Чунки кўп нарса таълимга, тарбияга, демакки, устозга боғлиқ. Маънавиятимиз сарварларидан Пошшохожа ташкидлаганидек, «ҳеч ким устозсиз топмас жаҳонда иззу шох...». Дарҳақиқат, «тўрт нарса ўлик дилни тириктиради: устоз, яхши дўст, мувофиқ ёр, доно ақл».

Инсон руҳий олами, маънавий дунёси билан боғлиқ барча яхшилик ва ёмонликлар оилада пайдо бўлади. Қўлимиздаги мажмуанинг яна бир фасли айтилиши масалага - оила ва ота-онага, уларнинг бурчу вазифалари, ҳурмату эъозларига бағишланган. Оила - таълим-тарбия ўчоғидир. Баркамол инсонлар баркамол оилалардагина шаклланади. Муҳаммад Жаҳар Заминдор айтганларидек:

Ота-она беҳад бўлади хурсанд,

Фарзанд бўлса муносиб фарзанд.

Она - оиланинг беагаи, ота - оиланинг самараии-нури. Фарзанд қалбига эзгулик нури она алласи билан, она сути билан киради. Отадан ёш қолган фарзанд эса ақлдан бўш қоларкан. Унда отанинг чинакам табиати, эрга хос матонати, жасорати етишмас экан. Ота-она фарзанд учун қўш қанот. Тарбиянинг, таълимнинг мукамаллиги, фарзанд камолоти бевосита уларга боғлиқ. Доно халқимизнинг «Қуш уясида кўрганини қилади» ҳикматида мислсиз маъно мужассамланган. Шундай тарихда инсон дили - унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари, ўйлари унинг кечинмалари кўзгусидир. Юксак ва соф эстетик дидга эга бўлиш, кишининг ҳам маънавий, ҳам руҳий баркамоллигидан далолат беради.

Маълумки, ҳаётда ҳақиқий дўст топиш ҳам инсоннинг эстетик дидини белгилайди. Доноларнинг айтишича, ҳар кимни ҳам дўст тутиб бўлавермайди. Дунёдан дўстан азиз, дўстан қимматли ҳеч нарса йўқ. Дўстлик ипи жуда нозик. Иккала томон ҳам дўстлик ришталарининг узилмаслиги учун қайғурмоғи лозим. Дўст топишда адашмоқ хато. Муҳаммад Жабалрудий айтганларидек, «Нодон дўстан ақли душман яхши». Нодоннинг дўстлиги майсага ўхшайди, тез гуллайди-ю, қовжираб сўлади; дононинг дўстлиги эса мисли чинор, лекин ўсади, қуюқ шохлайди ва кўп умр кўради. Дўстингни кўрсат, мен сенинг кимлигингни айтаман «-нақл» бежиз айтилган...

Инсоннинг гўзал фазилатларидан яна бири унинг меҳнатга муносабатида намоён бўлади. Маънавиятимизнинг улуғ сиймоларидан бири Жувайний қайд этганидек, «Икки нарса дунёда энг азиздир. Бири қўл меҳнати билан топилган бойлик, бири эса дилда дустлик барқарор бўлган содиқ дўст. Кимки ҳалол меҳнат қилса, ҳеч қачон хор бўлмайди, пушаймон қилмайди. Меҳнат инсонни улуғлайди, унинг ҳаётига нафосат нурини олиб киради».

Инсон ўз ҳаётини гўзалликсиз тасаввур қилолмаслигини, албатта, ҳар биримиз яхши биламиз. Гўзаллик дарманд кўнгилларнинг малҳами-ю, хаста дилларнинг калитидир. Оталар сўзида айтилганидек, гўзаллик - улуғ неъматдир, у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Инсонни гўзал қилиб кўрсатадиган унинг чиройи эмас, балки гўзал хулқидир. Инсоннинг гўзаллиги, унинг шарқона ҳаё-ю ибосида, шарқона андеша-ю одобида. Анна шундай қадриятларимизнинг тикланишида, ўзлигимизга қайтишимизда улуғ аждодларимиз ўғитлари алоҳида аҳамиятга эга. Шарқона ҳаёнинг, назокатнинг, айниқса, қизларимизда, хотин-қизларимизда ўз мужассамини топиш янада шоён. Шу ўринда севимли Кумушбибининг «Сиз ўшами?!» сўзини эслайлик. Унда ўзбекона ҳиснинг, назокатнинг нечоғлик чуқур ифодасини кўриш лозим. Ўлим тушагида ётган Кумушнинг жон таслим бўлиш ҳолатини олайлик. У умрининг сўнгги дақиқаларини кечираяпти. Ҳаёт ниҳоятда ширин, ўлим ниҳоятда аччиқ онлар. У Отабекка сўнгги илинчли сўзларни айтиши даркор. Айни шу пайт Юсуфбек Ҳожи келиб қолади. Шунда Кумуш жон ҳолатда қайнотасига салом бермоқчи, қўзғалмоқчи..., ҳаётининг сўнгги дамлари кечаётганлигини билса-да, Отабекка: «Боринг, отангиз чақиряптилар», - дейди.

Ушбу тасвирнинг ўзида чинакам шарқона нафосат қодириёна танилган мужассамлашган. Уни истаганча шарҳлаш мумкин. Бу ўринда кўнгилнинг эрга айни чоқда келиннинг отага - қайнотага эҳтиромини алоҳида таъкидламоқчимиз. Бу - мангу ибрат. Маънавий

меросимизда, биз, ана шундай эзгуликларнинг мужассамлигини ва улар бугун мустақиллик шарофати билан қайтадан ҳаёт топаётганлигини миллий руҳ қалбларимиздан янада чуқурроқ жой олаётганлигини кўрамиз. Шу жиҳатдан кўлимиздаги мажмуанинг аҳамияти катта. У бевосита руҳимизга, руҳ орқали жисмимизга, хонадонимизга ва хонадонларимизга, демакки, жамиятга ва жамият аҳлига фойда келтиради.

Мажмуани varaқлаган китобхон маънавиятимиз дурдоналарини йиғиб жамлаш, уларни тасниф этиш осон кечмаганлигини, бунинг учун тузувчи муаллифларнинг катта меҳнат сарф қилганликларини, машаққат чекканликларини чуқур ҳис этади. Айниқса, инсон учун зарур, унинг инсонийлигини билдирувчи панд-насиҳатларнинг бирин-кетин, фаслма-фасл ва ички силсила билан жойлаштирилганли таҳсинга сазовордир. Аллахусус, мажмуа, ундаги ибратли фикрлар не-не инсонларни эзгуликка, улар хулқини гўзалликка, демакки, ўқувчиларни комил инсонликка етаклайди. Зеро, инсоннинг чинакам инсон бўлиши учун, аввало, унинг маънавий олами бой, шамойили гўзал бўлиши керак. Чинакам инсоний фазилатларни мужассамлаштириш зарур. Шу маънода айтиш мумкинки, «Китоб - офтоб». Қуёш борлиқни нурафшон этиб турганидек, китоб ҳам инсон қалбини эзгулик нурлари билан мунаввар этади. Биз ҳаётимизни, жамият ва олам-борлиқни китобсиз, китобларсиз тасаввур этолмаймиз. Бир сўз билан айтганда, китоб - ҳаёт дастури. Унда ҳаёт узоқ асрларнинг тажрибалари ўз бадий тажассумини топган. Ўз-ўзидан англшиладики, ушбу китоб-мажмуа аини фазилатлари билан ўқувчиларнинг чинакам сеvimли асари бўлиб қолади.

НА ПУТЯХ НАУКИ

Безусловно я не литератор и объять художественное наследие Хамиджона Хамиди мне не под силу, но поделитесь своими воспоминаниями о нем как о замечательном человеке и педагоге мне доставит не только удовольствие, но представляется еще и долгом.

Впервые я услышал о Хамиджоне Хамидове от Натана Мурадовича Маллаева лет 20 тому назад когда я писал его портрет с натуры в музее А.Навои при нашем университете. Музей был выпестован и возвращен его руками.

Я помню во время очередного сеанса, как потемнело его лицо когда вошел к нам один из его педагогов, молодой художавый человек, с каким то вопросом. а когда он ушел, то Натан Мурадович с гордостью сказал, что это близкий и дорогой ему ученик, который сейчас в преддверии защиты докторской диссертации и это его гордость и надежда, а возможно в будущем и достойный наследник.

В последствии так и произошло, и надежнее и благодарнее ученика чем Хамиджон Хамидович Натан Мурадович не получил.

Сейчас музеем Навои занимается Хамиджон Хамиди, и я по мере возможности стараюсь ему помочь, нами был сделан большой портрет маслом Натана Мурадовича, причем руками студента-дипломанта Арифа Якубова. Музею дарились и иллюстрации к узбекским народным сказкам, а в прошлом году была подарена картина на историческую тему: «Бобур у постели больного Хумаюна» наполненная Альфией Аллаевой, как магистерская диссертация, безусловно это еще студенческая работа, но в ней есть несомненные достоинства, одно из них то, то что в современном искусстве Узбекистана она разрабатывается впервые. Она красива по колориту и передает внутреннее состояние выдающегося полководца и поэта.

Хамиджон Хамидий человек неумный, надо было видеть его радостное и взволнованное лицо когда он меня нашел, чтобы поделиться радостью и

показал 3-х томное-издание собраний сочинений Н.М. Маллаева, выпущенное в далеком Пакистане. Тогда мы с ним поняли, что, то что, написано настоящим ученым нетленно и ему не мешают даже те (торы) шоры, которые накладывало на него политизированное советское время.

Обширно наследие Хамиджона Хамидий. Десятки лет, притом самых плодотворных и ярких были отданы анализу и всестороннему исследованию «Шахнаме» Абулкасима Фирдоуси произведено равного по своему значению разве только «Илиаде» и «Одиссею» Гомера. Не зря десятки статей ученого печатаются за рубежом и особенно в Иране на родине великого поэта.

Годы независимости приоткрыли новые горизонты и позволили ученому прикоснуться и посвятить себя «Авесте» древнейшей, доисламской «Библии» Востока, книги раскрывающей и удлиняющей духовный путь нашего народа. дана ей новая трактовка и обосновывается ее общечеловеческая значимость.

Как-то наткнувшись на статью Х.Хамидий в «Халк сузи» за 12 июня 2002г. «Беруний и Гомер», я попросил перевести ее для меня и перевод бережно храню хотя Хамиджон Хамидий об этом не знает.

В прошлом году ученый тяжело болел, но узнав о моей юбилейной выставке нашел время и силы прийти на выставку в последний день до закрытия. Мне была приятна его радость и особенно, то что он за всей ее дионисийской яркостью и увесистостью увидел ее глубинную философскую суть. Ведь как-то Великий Поль Сезанн французский художник обронил, что иногда достаточно, если тебя понимают два-три достойных человека.

Хамиджон Хамидий в пути, вообще у настоящего ученого нет возраста и я верю, мы ещё познакомимся с его лучшими работами, посвященными узловым проблемам литературоведения Востока.

Здоровья ему и хороших учеников.

АВЛИЁЛАР ҲАҚИДАГИ ТАЗКИРАЛАР ТАДҚИҚОТЧИСИ.

Ҳомидий домла «Фирдавсий ва ўзбек адабиёти» мавзудаги докторлик диссертацияси устида тадқиқот олиб бораётган пайтлари Шарқнинг машҳур шахслари, алломалари, мутафаккирлари, адиблари ва ҳукмдорлари ҳақидаги маълумотларни ўрганиб, тўлаб юрганларидан хабардор эдим. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби олимлар тўғрисида сўраб қолсангиз, «Фан ва турмуш», «Шарқ юдузи», «Гулистон» журналларининг фалон йил, фалон сониде мақола босилган, яхши мақола эди деб жавоб берардилар.

Домла бир куни Шарқдан жуда кўп улуғ шахслар етишиб чиққанлигини, аммо уларнинг аксарият қисми илм аҳлига маълум эмаслиги, имконият бўлиб қолса, алоҳида бир китоб ёзиш ниятида эканликларини айтиб қолдилар.

- Қўлёзма китобларда бундай қимматли маълумотлар жуда кўп учрайди. Уларни махсус дафтарга кўчириб олаяпман. Аввал мақолалар шаклида эълон қилиб китобхонлар фикрини билмоқчиман, дедилар. Шундан сўнг қўлёзмаларни ўрганишга бўлган қизиқишлари сабабини айтиб бердилар.

Устоз Натан Муродович Маллаев Ҳомидий домлага номзодлик мавзуи сифатида Фирдавсий «Шоҳнома»сининг ўзбекча насрий таржималарини ўрганишни таклиф қилган эканлар. Бу мавзуга оид манбалар асосан қўлёзмалар бўлиб, ҳар бири ёстиқдек-ёстиқдек келадиган бир неча китоблар экан. Домла бу китобларни ўқиб ўрганишга бутун аспирантура даври ҳам етмайди деб ҳайиққанлар ва имкон топиб бу ҳақда Маллаев домлаган айтишга қарор қилганлар. Шундай кун ҳам келиб қолибди: Уругвайнинг дунёга машҳур «Национал» футбол жамоаси собиқ иттифоқнинг мана ман деган

жамоаларини маълум этиб, Тошкентга «Пахтакор» жамоаси билан учрашувга келади. «Пахтакор»чилар бу ўйинда жуда катта жасорат кўрсатадилар ва ғалабага эришадилар. Ҳамма хурсанд, ҳамма ишқибозларнинг кайфи чоғ. Футболдан қайтишадиганда Ҳомидий домла минг бир истиҳола билан ўйлаб юрган фикрларини аста Маллаев домлага айтадилар. Устоз Маллаев бир оз ўйланиб туриб, ўзига хос салмоқли оҳангда: - Мулла Абдуҳамид, мен сизни меҳнатдан қочмайдиган йигит деб ўйлардим. Илмда осон йўл ҳам бор эканми? Яна ўзингиз биласиз, - дебдилару, кейин индамабдилар. Катта устознинг шогирдига ишончи ва ўзига хос далдаси, танбеҳи тўғри хулоса чиқариш учун етарли бўлибди. Домла бир ярим йил давомида Шарқшунослик институти кутубхонасида муқим ўтириб зарур қўлёзма манбаларни ўқиб-ўрганибдилар. Шу баҳона форсий ва туркий тилда битилган эски қўлёзмаларни ҳам, тошбосма нашрларни ҳам бемалол ўқийдиган бўлиб олибдилар. Ана шу даврда кўп асрлик адабиётимиз тарихига оид бошқа нодир манбаларни ҳам ўрганишга тўғри келган экан. Кейинроқ домла ҳали фанга маълум бўлмаган, истеъмолга кирмаган, тадқиқ этилмаган асарларни ҳам ўргана бошладилар. Жумладан, бу ўринда Рушдийнинг «Газкирай авлиёи туркий», «Хомушийнинг «Шоҳномаи туркий» ва «Шоҳ Ҳижрон» каби асарлар қўлёзмаларини эслаш мумкин.

Ҳомидий домла бир неча нодир қўлёзмалар ва айрим насрий нусхалардан жамланган қизиқарли маълумотларни алоҳида китоб ҳолида 1990 йил «Олис-яқин юлдузлар» номида чоп эттирдилар. Кўпдан бери шундай китобга эҳтиёж катта эди. Шунинг учун ҳам кўп тиражда босилганлигига қарамай бу нашр тезда тарқалиб кетди. Устоз бу борадаги тадқиқотларини давом эттириб, бир қанча қизиқарли мақолаларни эълон қилдилар. Уларга янги маълумотларни қўшиб, 1994 йилда «Қирқ беш аллома ҳикояти» китобини нашр этдилар. Шарқнинг машҳур кишиларидан қирқ бештаси ҳаёти ва фаолияти ҳақида қизиқарли ҳикоялар жамланган бу китоб ҳам тезда

ўз ўқувчиларини топди. Китобга киритилган ҳикоялар янгича бир усулда ёзилган бўлиб, дастлаб бирор қизиқарли воқеа тасвирланади, кейин шу билан боғлиқ ҳолда машҳур шахс ҳаётига оид маълумотлар келтирилади.

Юқоридаги китобларнинг дунёга келишида домланинг кўп йиллар матбуотда машҳур кишилар ҳаётига бағишлаб эълон қилган мақолалари, албатта муҳим роль ўйнаган. Кўпчилик бу мақолаларни ўқиб, равон услубда ёзилганлигини таъкидлаган ва алоҳида китоб қилинса яхши бўлар эди деб фикр билдирган. Домланинг бу соҳадаги изланишлари туфайли «Машриқзамин ҳикмат бўстони», «Аждодлар сабоғи» - ақл қайроғи» каби қўлланма ва китоблари ҳам яратилди.

Устоз Ҳомидий домла узоқ йиллар кўплаб қўлёзма манбаларни тадқиқ этиш натижасида тўплаган, аниқроғи, мисқолаб йиққан маълумотларини умумлаштириб, 1999 йил «Кўҳна Шарқ дарғалари» номи билан «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида нашр қилдирдилар. Китобнинг равон ва қизиқарли услубда ёзилганлиги китобхонларга манзур бўлди. Ҳозир бу китобни кўплаб илм масканларининг кутубхоналарида учратиш мумкин. Ундан ўқитувчилар, мураббийлар «Одобнома» ва «Маънавият» дарсларида қўлланма сифатида ҳам фойдаланаяштилار.

Мазкур китоб тўлдирилган ҳолда 2004 йил яна чоп этилди. Маълумки, Шарқда тазкираларнинг икки тури кенг тарқалган. Биринчиси авлиёлар ҳаётига оид бўлса, иккинчиси адиблар, асосан, шоирлар ҳаёти ва ижодига бағишланган бўлади.

Истиқдолга қадар авлиёлар ҳақидаги тазкиралар деярли ўрганилмади, ҳисоб. Ҳатто Ҳазрат Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асари ҳам шайхлар ҳаётига оидлиги сабабли номигагина ўрганилди ва қисқартирилган ҳолда нашр этилди. Аммо Ҳомидий домла бу борадаги фаолиятларини бир мунча олдинроқ бошлаган эдилар. Адабиётшунос Икромжон Останақулов билан ҳамкорликда Рундидийнинг «Тазкираи авлиёи туркий» асарини крилл ёзувида

табдил қилиб нашрга тайёрлашди. Бу хайрли иш натижаси ўлароқ Икромжон Останақулов «Авлиёлар султони» китобини нашр қилдириди.

Авлиёлар тўғрисидаги тазкираларни тадқиқ этиш ва улар ҳақида мақолалар эълон қилиш туфайли домланинг навбатдаги китоблари ёзилди ва 2004 йил «Тасаввуф алломалари» номи билан босилиб чиқди. Ушбу китобда ҳозирга қадар илм аҳлига номлари маълум бўлмаган ёки жуда кам эътибор берилган кўплаб тасаввуф намояндалари ҳаётига оид қизиқарли маълумотлар жой олган.

Кейинги йилларда профессор Ҳамиджон Ҳомидий тазкираларни жиддий ўрганишни давом эттирдилар. Эрон Ислом Республикасида бўлиб, анъанавий халқаро китоб ярмаркасида бир қанча нодир китоблар қатори форс-тожик тилидаги биринчи тазкира Муҳаммад Авфий Бухорийнинг «Лубоб ул-албоб» (Асосларнинг асоси) ва Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро» (Шоирлар зикри) асарларини олиб келдилар. Албатта, мақола ва китобларни ёзишда бу асарлардан ҳам унумли фойдаланганлар. Шунингдек, Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир ул-асҳоб» (Сафдошлар хотираси) тазкирасини, Пўлатжон домулла Қаюмовнинг «Тазкираи Қайюмий» ва «Тазкират уш-шуаро» асарларини ўрганиб, улардан ҳам қимматли маълумотларни тўпладилар.

Доцент Маҳмуджон Маъмуров ва шоир Зиёвуддин Мансур билан ҳамкорликда ёзилган «Наманган адиблари» (ҳозирда нашр этиш арафасида) китобидан жой олган, ўтмишда яшаб ижод этган наманганлик ижодкорлар ҳақидаги маълумотлар Ҳомидий домла қаламига мансуб.

Профессор Ҳомидий домла авлиёлар ва шоирлар ҳаётига доир тазкираларни тадқиқ этиш натижасида аниқлаган муҳим маълумотларни ҳаммуаллифликда яратилган «Ўзбек педагогикаси антологияси», «Ўзбек педагогикаси тарихи», «Ўзбек адабиёти», «Ўзбек адабиёти тарихи дастури», ««Ўзбек адабиёти» (маълумотнома,

лотин ёзувида), «Педагогика тарихи» (лотин ёзувида) каби дарслик, қўлланма ва дастурларга ҳам киритганлар.

Хулоса қилиб айтганимизда, устоз Ҳамиджон Ҳомидов домланинг тазкираларни ўрганиш ва уларни оммалаштириш соҳасида олиб бораётган тадқиқотлари ҳамда амалий фаолиятлари ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда ўзига хос аҳамиятга эгадир.

ИЛК УЧРАШУВДАГИ ИЛИҚ ТААССУРОТЛАР

Устозлар ҳақида ёзиш одатда кишига катта масъулият юклайди. Аввало устознинг ҳамма яхши фазилатларини кўнгилдагидек очиб бера оламанми деган ҳадик пайдо бўлади. Қолаверса, кўпчиликка маълум бўлган жиҳатларни такрорламасликка, бошқа ўзига хос қирраларни кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Устоз Ҳамиджон Ҳомидов ҳақида ёки у кишининг китоблари тўғрисида ёзишдан олдин мени ҳам юқоридаги каби ҳис-туйғу чулғаб олади.

Домлани илк марта 1979 йил сентябрда, талабалигимизнинг дастлабки кунлари «Ўзбек адабиёти тарихи» фанидан маъруза бўлган кунни кўрдик. Домла билан шахсан танишиш ва бафуржа суҳбатлашиш эса ўша йили Жиззах далаларида, пахта йиғим-терими даврида бўлди. Ўшанда кеч куз, далаларда деярли пахта қолмаган. Шундай бўлишига қарамай, бутун Ўзбекистон салкам 6 миллионлик хирмон учун кураш олиб бораётган палла эди.

Пахтазорда, талабалар тили билан айтганда, «подбор» ҳам қолмаган бир пайтда биздан ҳам норма, ҳам пайкални тозалаш талаб қилинди. Тозаланган далаларни шудгор қилишга рухсат берилар экан. Умрида пахта термаган, ҳатто пахтазорни кўрмаган курсдошларимиз ҳам бор эди. Улар учун табиийки, 60 килограммлик нормани бажариш мушкул иш эди. Кечки пайт ҳисоб-китоб бўлиши, яъни «шитаб» - ўша пайтларда талаба бўлганларга маълум ҳол.

Бизнинг омадимиз чоғиб биринчи сменада Ҳомидов домла раҳбар бўлиб қолдилар. Ҳар ҳолда домланинг яхши муомаласидан уялибми, ҳамма ҳаракат қилар эди.

Бир куни тунликдан кейин биз пахта тераётган пайкал ёнида машина теримидан сўнг одам ораламаган, нисбатан пахтаси кўш пайкалга берухсат ўтдик-да, бир четдан «подбор» қила бошладик. Ҳаш - паш дегунча бир неча этак теришга ҳам улгурдик. Айниқса, нормани бажара олмай юрган талабалар роса ғайрат қилишаётганди... Бирдан бақир-чақир эшитилиб қолди. Дала четидан бир киши бизга қараб шитоб билан келаётганини кўрдик. Ҳаммамиз сездикки, бу киши бригада бошлиғи, бизнинг берухсат бу пайкалга ўтганимизни кўриб, жаҳл билан сўкиниб келарди. Нима қилишимизни билмай қолдик: қочай десак, анча пахта териб қўйганмиз, ундан айрилиб қолишга кўзимиз қиймайди, қочмай қараб туриш ҳам хавфли, шу вазоҳати билан келиб бригадир уриб қоладими ёки домланинг олдига ҳайдаб борадими? Бошимиз қотиб бир қарорга келгунимизча, бригадир ҳам етиб келди.

- Ким сенларга рухсат берди? Қани даладан чиқ-чи? Деб ўшқира бошлади. Шу пайт, биз кўрмай қолибмиз, бошқа тарафдан Ҳомидов домла келиб қолдилар. Бригадир домлага шу ерда туриб болаларга қўй демабсиз, деган маънода таъна қила бошлади.

- Болалар терган пахталарини уйларига олиб кетмайдилар, сизнинг хирмонингизга олиб борадилар. Мана бу пайкалингизда ҳеч вақо қолмабди, бекор сарсон бўлишаяпти. Бу томондан мана бир четдан теришаяпти. Барбир бу дала ҳам терилади-ку?!- деб бизнинг тарафимизни олдилар, домла. Бригадир бир пас қизишиб бақириб-чақириб олди. Кейин ҳовридан тушди. Сўнгра:

- Далани битта ҳам тўкилган, оқарган пахтасини қўймай тозалаб, шудгор қилишга топширишим керак, деб ваз кўрсатди.

Шунда Ҳомидов домла:

- Унақа қилиб тозала десангиз, битта пайкални 10-15 кун у ёқда турсин, бир ойда ҳам тамомлаб бўлмайди-ку?! Бу ёқда териладиган пахта шудгорга қўшилиб кетади. Ҳозир вақтида териб олишгани маъқул, - деб яна бизга ён босдилар.

Биз барибир шу пайкалда қолдик. Кўпчилик кунлик нормани бажариб хурсанд бўлди. Кейин маълум бўлишича, бригадир катта йўл ёқасидан пайкални топ-тоза қилиб тердириб олмоқчи ва бошлиқларга ҳамма далаларни шундай қилиб тозалаяпман деб кўрсатмоқчи бўлган экан. Шу баҳона сабабли домла билан яқиндан танишиб ҳам олдик. Уша куни домла бизнинг бошқа пайкал оралаб кетганимизни ҳам, азбаройи кўпроқ пахта териш учун шундай қилаётганимизни ҳам, кейин бригадирнинг бақириб-чақириб келаётганлигини ҳам кўриб, кузатиб турган эканлар. Шу пахта ниғим-теримида Ҳомидов домланинг талабаларга талабчан, аммо жуда меҳрибон, камтарин ва очиқ кўнгили эканликларини билиб олдик.

Авалло шуниси таъкидлаш керакки, домла куни билан далада, талабалар орасида юриб, ҳаммага кўз-қулоқ бўлиб турар эканлар. Кейинроқ сменага бориб, ҳатто далага кирмай келиб-кетадиган домлаларни ҳам кўрганимизда, домланинг қадри билиниб қолди.

Баъзан талабаликнинг энг ажойиб «олтин даври»га хос бўлган тадбирлар - оқшом пайтлари шеърхонлик, мушоира, «ёлғондакам тузилган кунлар» ўтказар эдик. Бу тадбирларимиз жуда қизиқарли эди: шеър ва қўшиқларга бой бўлар эди. Домла буларни ҳам шундай кузатар, баъзан жюри ҳайъатини бошқарар эдилар.

Хато ўқилган шеър, нотўғри айтилган қўшиқ ҳақида самимий муносабатда фикр-мулоҳазалар билдирардилар. Бир мисол: ўшанда биринчи курслар куни эди, қўшиқ хиргойи қилиб юрадиган ҳаваскор бир курсдошимиз Машраб ғазали билан айтиладиган «Ўртар» кўшигини ижро этди. Охирида:

Бу Машраб дардини, жоно, ҳеч ким бошиға солма.

Агар машҳарда оҳ урсам, замин у осмон ўртар,

деб тугатди.

Ҳомидов домла кеча охирида талабаларнинг топқирлигига, истеъдодига, шунингдек, ижрочилик маҳоратларига ҳам изоҳ бериб ўтдилар. (Чамамда биринчи курс гуруҳлари ўртасида мусобақа таъкил этган эдик) Охирида қўшиқ ҳақида гапириб, машҳар эмас, маҳраш, яъни рўзи маҳшар - бу қиёмат куни демақдир, замин у осмон эмас, беҳишти жовидон. Оташқалб Машраб: Агар маҳшар, яъни қиёмат куни муҳаббат дардида оҳ урсам, беҳишти жовидон - мангу, абадий жаннат ҳам дўзах каби ёниб кетади демоқда, - деб байт мазмунини тўғри изоҳлаб бердилар.

Шунингдек, ғазалнинг тасаввуф билан боғлиқ эканлигига бир оз ишора қилиб ўтдилар. Зеро, у пайтларда тасаввуф ҳақида гапириш мумкин эмас, шеърларни фақат дунёвий руҳда таҳлил қилинар эди. Шу билан домла мумтоз қўшиқларни куйлашдан аввал албатта матнни тўғри ўқиш ва мазмунини яхши тушуниб олиш кераклигини таъкидладилар. Мумтоз қўшиқларни ёддан ўрганиб айтиш хато усул эканлигига, айниқса, адабиёт муаллими бунга жиддий эътибор бериши лозимлигини уқтирдилар.

Шу муносабат домлага далада ҳам бадиий адабиёт ҳақида жуда кўплаб саволларни берардик. Устоз эса, эринмай, далил ва исботлар билан қизиқарли қилиб жавоб қайтарардилар. Домланинг ҳам форс-тожикча, ҳам ўзбекча шеърларни жуда кўп ёддан билишлари бизда катта таассурот қолдирар эди.

Бир куни кечки пайт яна қизиқарли тадбир бўлди: битирувчи курслар биз - биринчи курсларга ўзларининг қобилиятларини намойиш қилиб: шеърлар ўқиб беришди, қўшиқлар, интермедиялар ижро этишди. Энг охирида уларнинг ажойиб номерлари жой олган экан. Адашмасам, бир қашқадарёлик қиз устозларга тақлид қилиб, домлаларнинг хатти-ҳаракатларини худди уларнинг ўзларига

ўқшатиб кўярди. Жуда тақлидчиликнинг ҳавосини олган экан. Хуллас, ўша кун кўплаб устозлар қатори Аъзам Шерматов, Мавлума Асқарова, Қозоқбой Азизов, Хосият Назарова, Ҳамиджон Ҳомидовларга тақлид қилиб, уларнинг дарс ўтаётганларида учрайдиган энг характерли ҳолатларини айнан кўрсатиб берди.

Шулардан, бизнингча, энг қизиғи Ҳамиджон Ҳомидов домлага қилган тақлиди бўлди. Бу бизнинг қарсақларимиздан ҳам билиниб турарди.

Мулаққид домламизнинг эҳтирос ва ҳаяжон билан ўқийдиган шеърлари - Мавлоно Атойнинг:

Ул санамки сув яқосинда паридек ўлтурур,

Ғояти нозукликидин сув била ютса бўлуру,

деб бошланувчи газалини айнан устоз Ҳомидовга хос мимика билан ўқиб берган эди.

Бунга домла ҳам табассум билан қараб турдилар-да: - Э, э, офарин, офарин! - деб қарсақ чалдилар.

Кейинги йилларда ҳам бир неча марта домла билан пахта теримида бўлдик, лекин ҳамиша бизни биринчи учрашув ва илк таассуротларимиз тарк этмади.

Домланинг камтаринлиги, талабаларга меҳрибонлиги, талабчанлиги ва ҳалоллиги, ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббати, кўп ўқиб-ўрганиши минглаб шогирдлари қалбида илиқ таассуротлар қолдирганлиги табиийдир.

Жасур МАҲМУДОВ

УСТОЗ БАШОРАТИ

*(«Шогирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур,
устоз андин розидур Тангри розидур»*

Алишер Навоий.)

«Бир кун Нажмиддин Кубронинг суюкли муриди Маждиддин Ҳафоддий дарवेशлар билан ўтирган эди. Унда беҳудлик ҳолати юз

берди, дарвешларга қараб деди: биз ўрдақ тухумлари эдик, шайхимиз Нажмиддин товук эди, бизни очди, биз дарёга қараб йўл олдик, у эса қирғоқда қолди. Бу гап Нажмиддин Кубронинг қулоғига етганда, у хафа бўлди ва Маждиддинни қарғаб, «ва ўша сувда фарқ бўлиб ўл», деди. Дарҳақиқат, кўп ўтмай бир сабаб билан Муҳаммад Хоразмшоҳ Маждиддинга ғазаб қилиб, уни Амударёга чўктириб ўлдирди. Бу воқеадан хабар топган Нажмиддин яна баттарроқ ранжийди. Энди у Хоразмшоҳнинг ҳалокатидан, Чингизнинг босиб келиши ва обод шаҳарларни вайрон қилишидан башорат беради. Муҳаммад Хоразмшоҳ оламжаҳон туҳфа билан Шайх олдига кечирим сўраб келади, бошини оёғига қўяди. Аммо Шайх унга шавқат қилмайди: «Энди кеч бўлди, фарзандим Маждиддин қони жамики эл-авлодинг, молу мулкингни берганингда ҳам ювлмайди, қонни қон ювади» деб жавоб беради. Бу кароматлар тезда содир бўлди - Хоразм ўт ичида қолди»¹.

Парчадан маълумки, бўлаётган воқеаларнинг сабаби устоз башорати ва кароматидир. Нажмиддин Кубро ҳазратлари ҳаётидан келтирилган ушбу воқеа устоз башоратининг, кароматининг нақадар улуғ эканлигидан, унинг нафаси туфайли қандай воқеалар рўй беришидан дарак беради.

Худди шундай ҳолатни биз Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти воқеаларида ҳам кўрамиз. Яъни, «Шайх Нажмиддин Кубро Хивақдин Кўҳна Урганчга борғонларидин сўнг аҳли Хивақ «пирим бизларни бесар (бошсиз, раҳнамосиз) қилиб кетдингиз», деб кўп бетоқат бўлғонларидин сўнг, «сизларга бир улуғ пир юборурмиз», деб ваъда қилиб эрканлар. Ул важҳдин Пирёр Баққол деган ўзларининг бир халифаларин Хивақга юбориб меҳрибон бўлғон эрканлар. «Бор сен Хивақга, аҳли Хивақни залолат бодиясидан ҳидоят ноҳиясига далолат қилгил. Сенинг аҳдийанг, яъни хотунингнинг қорнида бир жанийн бордур, ул худ бизнинг нафас ўғлимиздур, Хоразм диёрининг хуллай

¹ Комиссов И. Нажмиддин Кубро: Ривоят. Т.: Халқ мероси нашриёти, 1995. - Б. 26.

қўли онинг зиммаи иқтидоридадур. Ул писар (ўғил) бизнинг нафас ўқимиздур. Онинг оти Маҳмуддир. Ул фарзанд зиёда бақувват наҳлавон бўлур. Ул важҳдин кўб киши анинг отин билмай «Паҳлавон ота дерлар», деб юбориб эрканлар»¹

Дарҳақиқат, устоз башорати туфайли бутун Турон, Эрон ва Ҳиндистонда шуҳрат қозонган Паҳлавон Маҳмуднинг халқ томонидан берилган «Ёрларнинг ўғли бўлган валий» маъносини берувчи «Пурёввалий» лақабини ҳозиргача билиш мушкуллик туғдириб келмоқда. Яъни, баъзилар уни Пирёввалий ёки Пирёивалий дейишса, баъзилар Пурёйвалий ёки Пурёрвалий каби номлар билан аташади. Энг тўғри вариант эса ҳозиргача яширин. Бунинг сабаби ҳам маълум: «кўб киши анинг отин билмай...» деб айтилган лутф - устоз башорати.

Бир куни устозга «Устозлар байрами» муносабати билан фабрикада Нукус шаҳридан телефон қилдим. Трубкани кўтарган устоз қаердалигимни сўради ва гапининг охирида: - Агар шундай «Чаққонлигингиз» бўлса, ҳимоягача олтига жойда ишларсиз-а», деб қолди.

Яқинда устознинг гапи эсимга тушиб, ишлаган жойларимни ҳисоблай бошладим. Чиндан ҳам олтига жойда ишлабман, демак ҳимоя яқин, чунки - устоз башорати.

Хулоса шуки, ҳазрат Навоий айтганларидек, «устоз агар шайх уз ислом, агар қозидур, устоз андан розидур, Тангри розидур». Шу ўринда Машраб Бобоевнинг қўйидаги шеърлари эсга келди:

Устоз дейилганда нима кўринар?

Мукамал инсону мукамал ҳунар.

Унга, ҳунарига дуч келганда гар,

Ҳизинг ҳунариндан бир оз уялсанг.

¹ Ҳасан Алишери Навоий Худойберди ал-Маҳдун. Ривъ уз-зокирийн. ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими, Тарих, география ва этнография институти фонди.

*Устозлар турлидир - рўйи, шахсият:
Кимда шакл бор-у, кимда моҳият.
Сенга ният бўлса ундаги ният,
Устозга муносиб шогирд бўлсанг*

Феруза АЗИМОВА

ИЛМУ ИРФОН БИРЛА ИНСОН КАСБ ЭТАР ОЛИЙ МАҚОМ...

Илм инсониятни саодат, маърифат поғоналари оша Олий Мартаба сари етаклайди, ирфон эса эзгулик, комиллик томон чорлайди, Ҳаққа яқинлаштиради. Илм ва ирфон бирдек мустаҳкам ўрин эгаллаган қалб ва унинг соҳиби Олий Мақомга эришади, абадий ҳаётга юз тутади. Бу айни ҳақиқат заҳматкаш адабиётшунос олим Устоз Ҳамиджон Ҳомидовга ҳам бевосита дахлдордир. Устознинг илмий ва ҳаётий фаолиятлари давомида эришган ютуқлари, амалга оширган самарали ишлари фикримиз далилидир.

Инсон илм соҳасида қандай ютуқ ва шарафга эришмасин, унинг жами меҳнатини намоён қиладиган, кадр-қиммат, обрў-эътиборини мустаҳкамлайдиган энг биринчи ва асосий омил инсонийлик фазилатидир. Киши қандай мартаба ёки мансабда бўлмасин, илмнинг қай бир босқичини эгалламасин, у аввало самимий қалб соҳиби, маърифат пешвоси, ҳақиқат ошноси бўлмоғи жоиз. Ана шу хислатларнинг ўзигина ҳам инсонга юксак бахт, олий мартаба, олий саодат ҳада этади.

Эл-юрт ўртасида ҳурмат қозонмоқ, маданият ва маърифат саҳнасида ўрин эгалламоқ, мангу барҳаёт яшамоқ учун қалбни илму ирфон булоғидан суғормоқ лозимдир.

Инсон ва инсонийлик, илмий-ирфоний мартаба борасида муноҳада юритар эканман, ҳар лаҳза кўз ўнгимда Устоз Ҳамиджон

Ҳомидов гадаланадилар. Назаримда, устоздек чин инсонлар, маърифат ва ҳақиқат пешволари, илм ва ирфон нурларига йўғрилган самимий қалб соҳиблари жуда кам учраса керак. Устоз чеҳраларидаги самимият, нигоҳларидаги қатъият, жонкуярлик, илм-фанга фидойилик ҳар доим диққат-эътибоимни жалб этади. Бейхтиёр, қани энди ҳамма устозлар, барча инсонлар ҳам уларга ўхшаса, ўз касбини чин дилдан севиб, унинг равнақи учун тинмай меҳнат қилса, атрофидаги ва шогирдларини ҳам ўзидек ҳақиқий меҳнатқаш, заҳматқаш олим, аввало ҳақиқатпарвар инсон бўлишга чақирса, тез-тез ундаса... деган хаёлга чўмиб қоламан... Ушунда маърифат осмонимиз янада чароғон, адабиёт бўстонимиз янада нурафшон бўлиши шубҳасиз...

Устознинг илм-маърифат соҳасидаги, ўзбек адабиёти тарихи тараққиётидаги хизматларини баҳолаш, таҳлил қилиш учун уларнинг сони ва сифатига эътибор қаратмоқчи эмасман. Умуман олганда, моддийликдан йироқлашиб, маънавийлик, инсонийлик нуқтаи назаридан Устозга муносабатимни ёритмоқчиман, холос. Чунки, Устоз Ҳамиджон Ҳомидовнинг ҳар бир илмий-ирфоний асарлари юксак бадиий аҳамиятга молик, чексиз маътову олқишга муносиб. Буни ўзингиз ҳам яхши тан оласиз, албатта.

Устознинг мени ўзига ром этиб келаётган фазилатларидан яна бири, уларнинг жонкуяр, фидойи инсонлар сирасидан эканликларидир. Шогирдларининг, бепарво, ўз устида ишламайдиган, наъний ишга эътиборсиз бўлиб қолишидан Устоз ҳар лаҳза ташвишда ирадилар. Шогирдларининг илмий фаолиятига жиддий қараб, уларни тинимсиз изланишлар олиб боришга, бўш вақтларини фақатгина кутубхоналарда сарфлашга, илм йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни тараққолавор енгиб ўтишга ундайдилар. Устоз бу борада шундай бир қиёмат ҳам қўллайдилар: «Илми кишининг нони яримта бўлади, отар ана шу яримта нонга кўниб, тоқат ва қаноат қилсагина, у ўзи қилгани мақсадига ета олади, аксинча, илм йўлида учрайдиган оддий

қийинчиликларни ҳам қабул қилолмаса, бундай кишига илм, илмга эса бундай сабрсизлар мутлақ бегонадир». Дарҳақиқат, Устознинг бугунги кунда эришган ҳар қандай йлмий-ижодий ютуқлари, адабиёт аҳли ўртасидаги чексиз ҳурмат ва эҳтиромлари ана шундай бетиним изланишларнинг ижобий самарасидир. Устоз бундай олий мақомни, юксак мартабани ҳар бир шогирдларида ҳам кўришни истайдилар. Шу маънода шогирдларига ҳақиқий дўст, маънавий суянч бўла оладилар. Зеро, шоир айтганидек:

*Илму ирфон бирла инсон касб этар олий мақом,
Илму ирфон ўрганишга ҳар замон ғайрат қилинг.*

Бугун Устоз Ҳамиджон Ҳомидовни ҳар қанча эъзозласак, ҳар қанча таърифу тавсиф айласак ҳам оз. Чунки, улар ҳар қандай таҳсину олқишга муносиб улуғлардан. Устоз табаррук 70 ёшни қарши олар эканлар, мен уларни бу муборак айём билан самимий қутлайман. Кейинги илмий ва ҳаётий фаолиятларига чексиз омад, танларига саломатлик тилайман. Уларга бўлган ҳурмат ва эҳтиромим, шогирдлик муносабатларимдан юзага келган туйғуларимнинг рамзий ифодасини ушбу назм торларига тизиб, Устозга йўлаб қоламан:

*Нурли сиймонгиздан таралар зиё,
Мусаффо меҳрингиз мисоли дарё,
Арзир пойингизга тиз чўкса дунё,
Босган ҳар изингиз кўзга тўтиё.
Бир умр бош эгиб қиламан таъзим,
Қалбимга дур терган, азиз Устозим!*

Менинг Ҳамиджон бобом

Ҳар бир инсоннинг ҳаётида унинг учун азиз, улар берган меҳр-муҳаббатни ҳеч ким такрор қила олмайдиган яқин кишилари бўлиши табиий. Бу қаторга ота-она, бобо-буви, устоз, опа-сингил, ака-ука, энг яқин дўст киради дейиш мумкин. Инсон ҳаётида уларнинг меҳри, ишонч-эътибори, панду насиҳатлари, унга ҳамиша кўмакдош бўлиши туфайли бекаму кўст камол топади.

Бугун мен сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон нафақат фарзандлари, набиралари, кўплаб шогирдлари балки, бизнинг оиламиз, шахсан мен учун ҳақиқий ирода, сабр-матонат, меҳр-оқибат ва самимият тимсоли бўлган йирик адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, зукко мунаққид, профессор, менинг бобом Ҳамиджон домла Ҳомидий бўладилар. Ҳомидий домланинг адабиётимиз тараққиётига, илм-фанга қўшган ҳиссалари тўғрисида гапириш алоҳида бир мавзу. Бугун мен уларни самимий ва бағри кенг инсон, меҳрибон бобо сифатида таърифлашни ният қилдим. Чунки, ҳаётимда менга энг яқин ва қадрли инсонлар қаторида Ҳамиджон бобомнинг алоҳида ўринлари бор.

Аслида мен ҳақиқий бобомни, яъни дадамнинг оталари Юсуфжон Сулаймоновни бирор марта бўлса ҳам кўрмаганман. Улар мен дунёга келмасдан ўтиб кетган эканлар. Катта отамиз, яъни онамнинг оталари Аҳмаджон Ғойиббоев ниҳоятда меҳрибон, ажойиб киши эдилар. Лекин афсуски, улар ҳам ёшлигимда вафот этганлар. Хуллас, биз болалигимизда эртақлар, ривоятлар айтиб бериб, ҳаёт ҳақидаги илк таассуротларни олишимизга кўмаклашадиган инсоннинг меҳрига интиқ бўлганмиз. Вақт ўтиб англадимки, бу бунчалиқ аста-секин тўлиб боряпти. Чунки, дадам Мўминжон Сулаймонов Ҳомидий домлани нафақат жонкуяр устоз, сифатида

балки ўз оталаридек ҳурмат қиладилар. Бу эса менинг юрагимда гурур уйғотади. Энди менинг ҳам ҳақиқий бобом бор, энди дадажонимнинг ярим кўнгиллари бут.

2003 йил 16 август. Ҳамиджон бобомни уйимизга, кичкинагина қишлоғимиз Гулдировга меҳмонга таклиф қилдик. Дарвозадан самимий нигоҳ билан тез-тез қадам босиб кириб келяптиларию, менинг ҳаёлимда минг бир ўй. Наҳот шунча шижоат, шунча лутфу карам бир вужудда жо бўлса?

Профессор домлани кўрамиз, суҳбатини оламиз деб қариндош-уруғлардан тортиб эшитган билган ҳамқишлоқлар бизни кига келишган эди. Ҳомидий домла ҳамма билан қуюқ саломлашдилар, ҳамқишлоқлар, қариндошлар билан танишганларидан хурсанд эканликларини билдирдилар. Шу пайт Низомий номидаги ТДПУнинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган собиқ талабалари холам Моҳирахон Ғойиббоевани секин чақирдилар. Талабаларидаги самимият, очиқ кўнгиллик уларга оналаридал, яъни бувимдан ўтганлигини таъкидламоқчи бўлдилар шекилли: «Тожиқларда бир гап бор. Модар чигуна, духтар намуна» дедилар. Даврада самимий кулгу янгради. Биз у кишининг ўз фикрини биргина сўз билан аниқ тушунтириб бериш қобилиятларига тан бердик.

Хуллас, ўша куни қариндошлар, қишлоғимиз аҳли шундай беғубор табиатли фидойи инсоннинг суҳбатидан баҳраманд бўлдилар.

Ҳамиджон бобо оилалари билан Тошкентда, биз эса Наманганнинг олис бир қишлоғида яшаганлигимиз учун улар билан тез-тез ҳамсуҳбат бўлишга имкон бўлмайди. Лекин сим қоқиб ҳол-аҳвол сўрашиб турамиз. Улар ёшу-қари, катта-ю кичик, ҳаммани сўрайдилар, ҳаммага алоҳида салом айтадилар.

Баъзан ҳаётда ҳадеб ҳам бировдан маслаҳат олиб, ҳал этишга имкон топилмайдиган муаммолар, саволлар учраб туради. Шундай пайтларда Ҳамиджон бобо билан Маҳмуд Ҳасаний домланинг самаралари, изланишлари натижасида яратилган «машриқ замин

– ҳикмат бўстони» шунингдек «Кўҳна Шарқ дарғалари», «Аждодлар сабоғи – ақл қайроғи» каби китобларни қўлимга оламан. Қадим Шарқнинг пурмаъно ҳикояту ҳикматлари жамланган бу китоблардан ҳар қандай саволга муносиб жавоб топса бўлади. Дилим ёришади. Бобожонимнинг эзгу ишларидан фахрланиб қўяман.

Айни кунларда севимли бобом узларининг муборак 70 ёшларини қарши олмоқдалар. Уларни ушбу қутлуғ айём билан табриклаган ҳолда, Яратгандан узоқ-умр, сиҳат-саломатлик ҳамда бундан кейинги эзгу ишларига ривож тилайман.

Азиз бобожон! Мен сизнинг меҳрингизни, ишончингизни албатта оқлайман. Сизнинг гурур – ифтихорингизга сабабчи бўладиган набираларингиздан бири бўлишга ҳаракат қиламан.

М У Н Д А Р И Ж А

| | |
|--|-----|
| 1. Ҳамиджон Ҳомидий ҳаёти ва фаолиятининг муҳим саналари | 3 |
| 2. Боқижон Тўхлиев. Зуллisonайн олим | 21 |
| 3. Наима Раҳмонова. Қутлов | 26 |
| 4. Азизхон Қаюмов. Қомусийлик йўналишининг давомчиси | 27 |
| 5. Абдуқодир Ҳайитметов. Фидойи адабиётшунос | 29 |
| 6. Ботирхон Валихўжаев, Қобулжон Тоҳиров, Гулсанам Холиқулова. Қамрови кенг олим | 31 |
| 7. Тўра Мирзаев, Маматкул Жураев. Адабий сарчашмалар билимдони | 34 |
| 8. Неъматулла Иброҳимов, Раҳмонхўжа Иномхўжаев. Маънавият илдишларини излаб | 37 |
| 9. Нажмиддин Комилов. Олиму илму амал | 40 |
| 10. Иброҳим Карим. Илмга чанқоқ қалб эгаси | 43 |
| 11. Иброҳим Ҳаққул. Серғайрат олим | 45 |
| 12. Саидбек Ҳасанов. Илм устоди ва беназир инсон | 47 |
| 13. Ботирхон Акрамов. Хосу дилхоҳ муборакбод сўзим | 51 |
| 14. Ҳамдам Абдуллаев, Бахтиёр Дўсчонов. Теран нигоҳ соҳиби | 56 |
| 15. Маҳмуджон Маъмуров. Ҳар бир учрашув - байрам | 58 |
| 16. Йўлдош Солижонов. Зукколик палласи | 60 |
| 17. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Қўлёмаларнинг зукко тадқиқотчиси | 62 |
| 18. Адҳамжон Аширов. Таниқли авестошунос олим ва жонкуяр устоз | 64 |
| 19. Комилжон Абдуллаев Наима Раҳмонова «Шоҳнома»нинг шухрати қадар | 68 |
| 20. Фаридaxon Каримова. Эзгуликка йўғрилган умр | 72 |
| 21. Файзуллахон Набиев. Олийжаноб инсон, нуктадон олим. Маънавият мажмуаси | 74 |
| 22. Янис Салпинкиди. На путях науки | 85 |
| 23. Мўминжон Сулаймонов. Алломалар изидан. Илк учрашувдаги илиқ таассуротлар | 87 |
| 24. Жасур Маҳмудов. Устоз башорати | 95 |
| 25. Феруза Азимова. Илму ирфон бирла инсон касб этар олий мақом | 98 |
| 26. Хулқар Ой Сулаймонова. Менинг Ҳамиджон бобом. | 101 |

Ташкикдаги муҳаррирлар:

Севара АЛИМБОЕВА
Илҳомжон СОДИҚОВ

Ташкикдаги муҳаррирлар:

Ортиқали ҲОМИДОВ